O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 26-avgust, 2009-yil ● №36-37 (639) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz


ЮКСАК РАҒБАТ ИФОДАСИ



Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида ўқиб эшиттирилган фикр-мулоҳазаларида болалар адабиётининг муҳим аҳамияти яна бир бор эътироф этилди.

➪ 3-бет

АСИЛ МАНСУР ҚИСМАТИ



Агар Асил Мансур 37-йил тегирмонидан омон қолганида, балки яхшигина шоир ёки журналист бўлиб улғайган, ўз асарлари билан ўзбек адабиёти ва журналистикаси тарихида маълум из қолдирган бўлармиди?.. Аммо мудҳиш даврнинг темир қўллари уни 1937 йил 28 майда маҳкам ушлаб олиб, ўша йилнинг 2 декабрида бўғиб ташлади.

➪ 11-бет

ҲАЙКАЛЛАРДА МИЛЛАТ РУҲИЯТИ МУЖАССАМ



Бу санъат гўё мангу мусиқага ўхшайди. Оҳангларининг жилва-ю, жозибасини англамоқ, чуқур ҳис қилмоқ ҳайкалтарошнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Нозик дидли, ижодига ҳамиша талабчан бўлган Илҳом Жабборовнинг яратган образлари эса ҳар томонлама мукаммал.

➪ 16-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон — **"Олтин юлдуз"** медали топширилсин:

Иброгимов Комил — "Навоий иссиқлик электр станцияси" очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш техника бўлими смена бошлиғи, Навоий вилояти

Нарзиев Тўра Икромович — "Ому-Бухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма экскаваторчиси, Бухоро вилояти

Туйчиев Алим Исмаилович — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 25 август



Иброгимов Комил




Нарзиев Тўра Икромович



Туйчиев Алим Исмаилович

Истиқлол шарофати билан она юртимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Жаннатмонанд диёримизнинг турли гўшаларида, шу жумладан, бу йил қутлуғ 2200 йиллиги кенг миқёсда нишонланаётган қадимий ва ҳамиша навқирон пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам замонавий, кўркам, айни пайтда архитектура жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиладиган, дунёда ўхшаши бўлмаган иншоотлар бунёд этилмоқда. Ҳатто юртимиз меҳмонларини ҳам ҳавасини келтирадиган ҳамда пойтахтимиз кўрки бўлган бу иморатлар барчамизнинг фахр-ифтихоримиз, истиқлол иншоотларидир.

Суратда: Тошкент шаҳрида барпо этилган Болалар ижодиёти уйи.



Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи

25 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Президентимиз дастлаб Термиз давлат университетининг янги бунёд этилган асосий биносига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мазкур олий ўқув юртида янги ўқув биносига тамал тоши қўйилганди. Муҳташам бинони бош пудратчи "Сантехгазмонтаж" хусусий корхонаси қурувчилари қисқа вақт ичида бунёд этиб, энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 18 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, университет ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз Ҳаким Термизий меъморий мажмуини зиёрат қилди.

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги "Асадбек Давлатов" фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ҒОЛИБЛАРИ



1.Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича:

1-ўрин:

Кавсар Турдиева — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси мудири — Ватанимиз истиқлолини мадҳ этувчи ҳамда болаларга бағишланган туркум шеърий китоблари учун

2-ўрин:

Тўлқин Ҳайитов (Тўлқин Ҳайит) — "Тонг юлдузи" газетасининг бош муҳаррири — Соҳибқирон Амир Темурнинг ёшлигига бағишланган "Амир Темур ҳақида ҳикоялар" асари учун

3-ўрин:

Ғайрат Мажидов (Ғайрат Мажид) — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ёшлар" телерадиоканали катта муҳаррири — "Кўксимдаги юлдузлар" ва "Ишққа борар йўл" шеърий тўпламлари учун

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Абдураҳимова Феруза Равшановна — "Сўғдиёна" ўзбек халқ чолғулари давлат камер оркестри бадиий раҳбари

Назиров Хуршид Абдуллаевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Ширинов Темир — Самарқанд давлат университети ректори

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Бекчанова Меҳрижон Ғуломовна — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

(Давоми 2-бетда.)

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Шаҳидлар шаъни муқаддас

Бу йил тўққизинчи бор Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида, яъни 31 августнинг эрта тонгида Бўзсув соҳилидаги илгари "Алвасти кўприк", деб аталиб келган қаровсиз ва қўрқинчли жарлик ўрнида барпо этилган Шаҳидлар хотираси хиёбони узра муқаддас китобимиз — Қуръони каримнинг таскинбахш оятлари таралади. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли ёшдаги эл ҳурматига сазовор бўлган инсонлар бу ерга келиб, Ватанимизнинг эркли ва озодлиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиб, уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтиради.

Бу зиёратгоҳ истиқлол байроғини кўтариб, халқини эрк ва озодлик йўлида курашга чорлаган, ушбу буюк мақсад йўлида жонларини аямаган фидойи зотларнинг ҳамда тақдирлари қатағон тегирмонининг шафқатсиз тошлари орасида адолатсиз тарзда янчилган, ҳоки юртимиз тупроғи ва олис ўлкаларга сочилиб кетган минг-минглаб ватандошларимизнинг рамзий мозори сифатида муқаддас зиёратгоҳга айланди.

Истиқлол шарофати билан тарихий адолат қарор топди. Шаҳидлар руҳи юртга қайтди, унут исмлар тикланди, ўтмишимизнинг бурда-бурда қилиб ташланган саҳифалари бутланиб, умумхалқ курашининг бутун моҳиятини ўзида акс эттирган яхлит китоб шаклини олди, замондошларимиз ва келгуси авлодлар учун абадий хотира тимсоли бўлиб қолди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган шу каби эзгу ва хайрли ишлар халқимизнинг тафаккурини янгилади, дунёқарашини кенгайтирди, эл-юрт қайғуси билан яшаган, курашган инсонларнинг хотирасини асраб-ардоқлаш, ҳар бирига хизматига яраша эҳтиром кўрсатиш муқаддас анъанага айланди.

Маълумки, 1937-1953 йилларда мустабид тузум томонидан амалга оширилган оммавий қирғин жараёнида мамлакатимиз бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраган, 13 минг нафари отиб ташланган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бир қатор олимлар, адиблар, журналистлар баҳоли қудрат халқ ҳали унутмаган ёки шўро даврида оқланган шаҳидларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мақолалар ёзди, китоблар чоп этди. Аммо уларнинг аксарияти нисбатан юзаки бўлиб, боиси одамларнинг хотиралари, ярим-ёрти ҳужжатларга асосланган эди.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Хабарларни рад этди



Эроннинг янги ҳукуматида мамлакат ташқи ишлар вазири вазифасига Аҳмад Воҳид тайинланиши мумкин. Ушбу хабар тарқалиши билан Ғарб матбуоти унга турлича айблар қўя бошлади.

Аҳмади Нежаднинг аввалги президентлик даврида Аҳмад Воҳид ташқи ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаган. Ғарб давлатлари разведкасининг хабарига қараганда, у мамлакатнинг ҳарбий ядро дастурини назорат қилган. Эрон матбуоти бу хабарларнинг барчасини рад этиб, бу Эроннинг обрўсини тўкишга уринишдан бошқа нарса эмас, дея баҳолади.

(Дунё хабарларининг давоми ўн биринчи саҳифада)

11»

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ

Пойтахтимизнинг ер ости "сарой"лари

ёки мустақиллик йилларида Тошкент метрополитенининг янада чирой очаётгани хусусида

Бугун том маънода "Шарқ дарвозаси", — дея эътироф этилаётган азим Тошкентнинг дунёга кўз-кўз этадиган мўъжизалари бисёр. Шулардан бири — Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент метрополитени ҳисобланади. Бундай иншоот айнан пойтахтимизда жойлашгани ҳар бир юртдошимизни қувонтириши табиий.

Мустақиллик йилларида Тошкент метрополитени ўзгача қиёфа касб этди. 2001 йил октябрь ойида 6 та бекатдан иборат узунлиги 7,6 километрдан ортиқ Юнусобод йўналишининг "Минг ўрик" бекатидан "Ҳабиб Абдуллаев" бекатигача бўлган биринчи навбати ишга туширилди. Айни шу давр мобайнида метрополитен тизимида ҳаракат таркибини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган депо фаолият кўрсата бошлагани қувонарли воқеа бўлди. Бу ерда нафақат метрополитен талабини қондириш, балки шаҳар корхоналарига ҳам керакли деталлар, эҳтиёт қисмлар ва жиҳозларни ишлаб чиқариш бўйича буюртмаларни бажарувчи тажрибали ходимлар хизмат қилишмоқда. Депода ҳар йили ҳаракатдаги вагонлар сифатли таъмирланади. Юнусобод йўлининг қурилиши ва ишга туширилиши янги, замонавий мосламалар, техник қурилмалар ёрдамида олиб борилди. Кучли ер ости электр нимстанцияларида "Зоненшайн" аккумуляторлари, бекат ва тоннелларда "TLR GMBN" немис фирмасининг TAF-6/7,2 русумли ҳавони тозаловчи ускуналари ўрнатилди. Барча қурилмалар автоматлаштирилган ва масофадан туриб бошқарилади. Бекат, тоннелларда ҳаво ҳарорати доимий равишда текширилиб, оптимал ҳолатда сақланади. Яъни метро ёз ойларида салқин, қишда иссиқ бўлади.

4 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Ражабов Авазхон Акбарович — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Раҳимов Абдимурот Абдиевич — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман маданият уйи раҳбари, бахши

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Асқаров Аъзамхўжа Исматович — Ўзбекистон Бадиий академияси махсус жамғармаси раиси, бадиий кулолчилик ва шиша бўйича рассом

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

Ғаниев Хусан Ваҳобович — "Устозода" халқ санъати усталари корхонаси ёғоч ўймакор устаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»

Ниёзов Сойибжон Наврўзович — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси "Мақом" ансамбли хонандаси

Сафаров Орол Абдуманнонович — Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси, ҳофиз

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Абдулакова Матлуба Абдуллаевна — "Офарин" замонавий рақс театри балетмейстери

Жданов Дмитрий Юрьевич — Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси давлат хор капелласи бадиий раҳбари ва бош дирижёри

Исмияминова Дилноза Мирзатиллаевна — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

Куиназаров Султан Шнибаевич — "Айқулаш жулдизлари" қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли балет артисти

Мадаминов Қобилжон — Андижон вилоят ёшлар театри актёри

Миродилова Қаноатхон — Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Раҳимов Санжар Мирахмедович (Сардор Раҳимхон) — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

Турғунов Тоҳир Мирҳосимович — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси "Мақом" ансамбли созандаси

Усмонова Шаодат Исомиддиновна — Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри актёри

Хайриддинова Сайёра Мирсоатовна — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти

Цой Зоя Николаевна — Республика мусиқа коллежи ўқитувчиси, эстрада хонандаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Колемасов Алексей Николаевич — Республика Олимпия захиралари коллежининг мураббий-ўқитувчиси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"

Кузметова Ҳулкар Ёрбековна — «Маърифат» газетаси бўлим мудири

Тошбоев Олим Шойимович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"

Одилов Жаҳонбек Жўраевич — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош рассоми

Азизов Аъзамжон — Қўқон шаҳар мусиқали драма театри саҳналаштирувчи режиссёри ва рассоми

Жамолова Дилдора Абдуваҳобовна — В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори

Забирова Фатима Галимовна — Гулистон шаҳар Кўзи ожизлар маданият уйи директори

Мадраҳимов Алишер Арслонович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "O"zbekiston" телеканали "Мусиқий дастурлар" студияси режиссёри

Маҳмудов Мавзур Мансурович — "Ўзбекфильм" киностудияси мультбирлашмаси постановкачи-режиссёри

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"

Маркелов Владимир Федорович — Навоий вилояти, Навоий шаҳар тери касалликлари диспансери бош врачи

Нажмиддинова Дилбар Қамариддиновна — Тошкент тиббиёт академияси илмий ишлар бўйича проректори

Йўлдошев Фурқат Абдисодиқович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази анестезиология-реанимация бўлими катта илмий ходими

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

Лебедь Петр Леонидович — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта мураббийи

Убайдуллаев Аҳмаджон Иноятович — Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

Эргашев Акмал Анварович — Таэквондо ВТФ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Нестеров Игнатий Михайлович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Салимов Олимжон — Республика ёш томошабинлар театри бадиий раҳбари

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Абдуллаев Абдурасул Мўминович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали перспектив телелойиҳалар студияси катта муҳаррири

Акбархўжаев Аҳрор Акмалович — "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри

Бердиев Камол Узоқович — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Зарипова Рўза — Хоразм вилояти онкология диспансери врач-химиотерапевти

Зиёдова Дилбар Абдураҳмоновна — "Ўзбектелефильм" студияси бадиий фильмлар ва телесериаллар ижодий ишлаб чиқариш бўлими мудири

Исмоилов Маҳмуд Ҳусанович — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Қаимова Мукаррам — Наманган вилоят болалар сил касалликлари санатарияси ҳамшираси

Лукмонов Воҳид Ҳабибуллаевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири

Содиқова Маъмура Ғаниевна — ЎзФА "Фан" нашриёти етакчи муҳаррири

Саримсоқов Абдушукур Абдуҳалилович — ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Сиров Владимир Николаевич — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири

Турғунова Мавлуда Тожибоевна — Андижон вилояти, Жалолқудуқ агросаноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Уватов Убайдулла — Имом Бухорий халқаро маркази директори

Ҳакимов Олимжон Эсонович — Олтиариқ тумани ҳокимлигининг «Давр овози» газетаси муҳаррири

Ҳамдамов Пўлат — «Народное слово» газетасининг Наманган вилояти бўйича махсус мухбири

Шоназаров Эркинжон — Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази оториноларингология (ЛОР) бўлими мудири

Кудратов Ғафур Очилович — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Асатова Муяссар — Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри

Наврўзова Шакар Истамовна — Бухоро давлат тиббиёт институти "Болалар касалликлари ва неонатология" кафедраси мудири

Сапарниязова Рамиза Толибаевна — Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак тумани "Қораўзак" қишлоқ врачлик пункти мудираси

Холмуродов Музаффар — Самарқанд вилояти, Нарпай туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

Юсупова Маҳбуба Турсуновна — Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Дўстлик" ордени билан

Абляева Решиде Решатовна — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Бобожонова Дилбар Йўлдошевна — «Uzbekistan Today» газетаси мухбири

Вишинская Елена Викторовна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби концертмейстери

Зарипова Карима Фахриддиновна — Республика эстрада-цирк коллежи директори

Зойиров Илҳом Бафоевич — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

Каримбобоева Шаҳноза Усмоновна — Тошкент фотосуратлар уйи директори

Муҳамедов Неъматулло Асатуллаевич — Тошкент ислом университети "Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО" кафедраси мудири

Наримбетов Баҳит Жанабаевич — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими раисининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Рекк Мария Григорьевна — Ўзбекистон Республикаси "Видергебурт" немис миллий маданий маркази раиси

Сатимов Ғафуржон — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Инглиз тили грамматикаси ва тарихи" кафедраси профессори

Толкачёва Нина Егоровна — Тошкент шаҳар 3-сонли маданият уйи раҳбари

Тошев Исмоил Эргашевич — Қашқадарё вилояти, Касби туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Шуҳрат" медали билан

Абдуллаева Зайнаб Отабоевна — "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими

Абдураҳмонова Мукаррам Исҳоқовна — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази микрохирургия бўлими катта ҳамшираси

Акбаров Баҳром Ҳасанович — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

Акбаров Ғайрат Қосимович — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

Акрамова Феруза Акмаловна — Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Педагогика ва психология" кафедраси доценти

Ахророва Сожида Халиловна — "Ўзбекистон киносанъати музейи" фонди бўлими бошлиғи

Бобоқулова Латофатхон Абулхаевна — «Овози тожик» газетасининг ҳарф терувчи оператори

Григорян Ареват Эдуардовна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали "Давр" ахборот дастури муҳарририяти катта муҳаррири, бошловчиси

Зоирова Зура Наимовна — Тошкент шаҳар Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари

Изентаев Жарилкаган Жолибаевич — Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси бош директори, рангтасвирчи рассом

Имонгулова Лола Ҳошимовна — Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Мардонақулова Сайёрахон Меликўзиевна — Фарғона вилояти, Данғара қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг француз тили фани ўқитувчиси

Мирзаева Гулнора Акрамовна — Навоий вилоят Навбаҳор туман марказий маданият уйи директори

Муҳаммаджонова Феруза Ҳотамжоновна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

Норжигитова Баҳринисо Эгамқул қизи — «Гулистон ҳаёти» газетаси муҳаррири

Нишонов Ҳасан Маҳмарайимович — «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари адабий котиби

Пардаев Турдали Эргашевич — Ангрен шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият маркази ижодиёт бўлими услубчиси

Раҳимова Диловар Бақоевна — Бухоро вилояти, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Свечникова Анастасия Владимировна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси

Сейтмуратова Қаллигуль — Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Султонова Муборакхон Абдураҳмоновна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиоэшиттириш уйи оператори

Тожибоев Хуршид Эргашевич — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тўраева Раъно Абдиҳалиловна — Қашқадарё вилояти, Ғузор туман тиббиёт бирлашмаси "Савбоғ" қишлоқ врачлик пункти мудираси

Турсунов Қаҳрамон Ражабович — Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти

Файзуллаев Саидбаҳром — Жиззах вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази бўлим мудири

Ҳафизов Ильдар Шавкатович — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Цой Борис — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи машинисти

Чашемов Мансурбек Холбоевич — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Шамсибоева Сайёра Мамадалиевна — Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи услубият бўлими мудири

Шекерова Мария Александровна — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Эсонова Гулчеҳра Эсоновна — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси

Йўлибоева Холбуви Жўраевна — Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси жарроҳлик бўлими ҳамшираси

Юнусова Зулфия Носировна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ватанпарвар» газетаси мухбири

Юнусова Соҳибахон Расулжоновна — Жиззах вилояти, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси "Ипак йўли" қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи

Қиёмов Маъмуржон Умирзоқович — «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим мудири

Курбонов Зоир Тоҳирович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 25 август



ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИДА ОАВ РОЛИ

Бугун соғлом онадан соғлом бола шиори остида мамлакатимизда талайгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол ёш авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётир. Гапимизнинг исботи сифатида мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини келтириб ўтиш ўринлидир.

Яқинда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида аёлнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мавзуларининг ва юқорида номлари тилга олинган қарорлар ижросини таъминлаш ва улардан келиб чиққан вазифаларни оммавий ахборот воситаларида ёритишда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига кўра, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда ушбу йўналишга ихтисослашган 20 га яқин газета ва журнал чоп этилмоқда. Аммо интернет сайтлари бу борада бироз оқсаётгани тилга олинди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ФАРҒОНАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Фарғона вилоятининг Фурқат туманида қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринлари яратиш маҳаллий ҳокимлик фаолиятидаги асосий вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътиборга олинган. Жорий йил бошидан бери корхоналарда мукаммал таъмирлаш ҳамда реконструкциялар амалга оширилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида 1600 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Туманнинг аҳолини меҳнат билан банд этишга кўмаклашиш марказига ўтган 7 ой ичида 1533 фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, улардан 1306 нафари ўз касби ва ихтисоси бўйича иш билан таъминланди.

Бу бўш иш ўринларини асосан олий таълим даргоҳлари ва коллежларни битирган ҳамда ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар эгаллади.

Туман ҳокимлигидан маълум қилишича, аҳолини доимий иш билан таъминлаш минтақавий дастурига кўра йил охиригача яна 200 атрофида иш ўринлари ташкил этилади.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ

Хоразм вилояти маркази Урганч бугун том маънода катта қурилишлар майдонига айланган. Жумладан, шаҳарнинг 6-кичик туманида янги қурилаётган етти қаватли турар жой биноси бошқаларидан ажралиб турибди. Сабаби бу уй замонавий услубда пишиқ ғиштдан қад ростлади. Лойиҳачи муҳандислар уйнинг зилзилага бардош беришини ҳам ҳисобга олишган. Бу турар жой биноси олдинги қурилган кўп қаватли уйлардан фарқли ўлароқ, ертўласида ҳар бир хонадон учун 12 кв. метр омборхона мавжуд. Энг муҳими, бино тепасида — 8 қаватда турли маросимлар, тадбирлар ўтказилиши учун 60 кв. метр ҳажмда катта зал бунёд этилган. Мазкур уйда истиқомат қилувчи хонадон соҳиблари турли тўй-ҳашамларини шу ерда ўтказиш имкониятига эга бўлишади.

— Биз ҳудуд об-ҳавосини, иқлим шароитини обдон ҳисобга олиб, турар-жой биносини мукаммал конструкциялар асосида қураяпмиз, — дейди "Урганч махсусқурилишсервис" ёпиқ акциядорлик жамоаси бош директори Шуҳрат Раҳимов.

Янги турар жой биноси соҳиблари мустақиллигимизнинг 18 йиллигини уй тўйлари билан қўшиб нишонлашади.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

ЮКСАК РАҒБАТ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда мустақилликка эришганимизнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида ижод аҳлига юксак эътибор ва рағбат кўрсатилмоқда. Турли кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказилаётгани ва унинг ғолиблари муносиб тақдирланаётгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми арафасида юртимиз ижодкорлари орасида нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов ғолиблари ҳамда совриндорларига махсус мукофот ва дипломлар тантанали равишда топширилди. Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, бу йил кўрик-танловнинг республика босқичида 900 га яқин ижодкор 7000 дан ортиқ асарлари билан иштирок этди ва бешта йўналиш бўйича ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди. Ушбу маросимда ОАВ вакиллари, таниқли шоир ҳамда ёзувчилар, кино мутахассислари ва бошқалар қатнашди.

Танлов муносабати билан сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов ва бошқалар Юртбошимизнинг ижод аҳлига бўлган юксак эътиборини чексиз ғурур билан тилга олиб, бундай катта рағбат барча ижод аҳлига куч-қувват бахш этган ҳолда масъулият ҳиссини ҳам кучайтиришини таъкидладилар.

Биз ушбу нуфузли танловнинг энг юқори ўрин соҳиблари билан суҳбатлашдик, уларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.

Шуҳратулла РИЗАЕВ, Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби, адабиётшунос олим:




— Дунёда мукофот ва совринлар, унвон-у, нишонларнинг тури кўп. Барчаси қадрли, эъзозли. Чунки бу мукофот-у, унвонлар бекордан-бекорга, шунчаки эслаб қўйиш учун берилмайди. Кимнингдир омади чопиб кутилгандан эртароқ, ёшроқ паллада эътирофга сазовор бўлиши, кимдир кечроқ, ҳатто кутилганидан анча кейинроқ тақдирланиши мумкин. Нима бўлганда ҳам кичик бир эътибор, оддийгина бир йўқлов инсон қалбини тоғдек юксалтириб юбориши ҳам мумкин. Ҳаётга, тирикликка ҳар қанча файласуф кўзи билан қараманг, кўнгил барибир кўнгил-да!

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловида ғолиб бўлиш баҳоли қудрат қалам тебратиб келаётган оддий бир ижодкорга, албатта, қувонч бағишлайди. Аслида маънавият инсон онгли турмуш бошлаганидан бери мавжуд бўлса-да, бу тушунчанинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни, мавқеи Ўзбекистонда истиқлол йилларида барқарор бўлди.

Ҳазрат Алишер Навоий сўзи билан айтилганда, басират кўзлари, яъниким, қалб кўзи очилиб, ҳар кимса ён-атрофида бўлаётган ҳодисаларни кўриб-билиб, идрок этиб турибди. Шулар қаторида камина ҳам миллий маънавиятимиз, адабиёт ва санъатимизнинг қалбимни тўлқинлантирган, лол қолдирган, гоҳо ташвишлантирган жиҳатлари, тажрибалари, намуналари ҳақида ўй-мушоҳада ҳамда мулоҳазаларни қоғозга тушириб юраман. «Тафаккур» номли бағоят нуктадонлик билан материал саралайдиган таҳририятда менинг битикларимга харидор топиб туради. Айнан ана шу журнал мутасаддилари ташаббус кўрсатиб, каминани ўша нуфузли мукофотга тавсия этибди. Албатта, бунинг учун уларга ташаккур.

«Энг улуғ, энг азиз» тушунчаси истиқлол йилларида «Мустақиллик» деган тушунчанинг муқобилига айланди. Демакки, бизга муносиб кўрилган мукофотни мустақиллик шарофати, десак бўлади. Бинобарин, юртимиз раҳбари ёзувчи, шоир, мунаққид, журналист, санъаткор – жамики, ижод аҳлига одамларнинг дарду ғами билан яшаш, халқ ичига кириб бориш, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини қайта-қайта уқтирмоқда.

Рихсибой МУҲАММЕДЖАНОВ, Кино санъати асарлари йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби, драматург:



— Йиллаб қилган меҳнатларингнинг муносиб тақдирланиши кишининг қалбини қувончларга тўлдириши шубҳасиз. Бу кўрик-танловга "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан "Чол ва набира" кинофильмим тавсия этилди ва бир нечта кино-асарлар орасида ушбу фильмнинг энг юқори ўринга лойиқ топилгани мени, албатта, жуда руҳлантирди. Шу ўринда бир гапни айтишим керак: "Чинор остидаги дуэл" ёки "Суюнчи" фильмларим ҳам ўз даврида халқ меҳрини қозонган эди, лекин бу фильмлар ҳеч қандай мукофотга сазовор бўлмаган. Биргина шу мисолнинг ўзи ҳам мустақилликдан сўнг кино соҳасига ҳам катта эътибор берилаётганининг исботидир.

Бугун юртимизда давлат киностудияларининг ҳам, хусусий киностудияларнинг ҳам эркин фаолият юритишига катта имкониятлар яратилган. Бу эса ўз навбатида ижобий рақобат муҳитини яратади. Биламизки, кино маънавиятга хизмат қилувчи санъат туридир. Маънавиятни эса моддият билан ўлчаб бўлмайди. Шу маънода кино соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир киши кино санъатининг халқ олдидаги бурчи ниҳоятда катта эканини юракдан ҳис қилиши керак. Шундагина кўп йиллар давомида томошабинларга маънавий озуқа бера оладиган фильмлар суратга олиш мумкин. Бу борада эса юртимизда ҳар томонлама шарт-шароитлар етарли.

Кавсар ТУРДИЕВА, Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари йўналиши бўйича 1-ўрин соҳибаси, шоира:



— Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида ўқиб эшиттирилган фикр-мулоҳазаларида болалар адабиётининг муҳим аҳамияти яна бир бор эътироф этилди: "Айниқса биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши ҳар қандай мутолаа маданиятининг болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз зарур".

«Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловида бадиий адабиёт номинацияси бўйича 1-ўрин болалар адабиёти йўналишидаги асарларга берилиши том маънода шу эътирофнинг амалдаги ифодаси бўлди. Ҳақиқатдан ҳам болалар адабиёти мустақил юрт фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларда фаол фуқаролик жиҳатларини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.


Республикамизда болаларнинг саломатлиги, уларнинг тарбияси, маънавий дунёқараши ва таълимига катта эътибор берилмоқда. Ўз ижодимга келадиган бўлсак, танловга бир йил давомида нашр этилган болалар учун яратилган бадиий ижод намуналаримни тақдим қилган эдим. Менинг камтарона меҳнатимнинг шу даражада юқори тақдирланишини эса ўзбек болалар адабиётига бўлган рағбат деб биламан.

Зиёда ЭШМУРОДОВА, Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари йўналиши бўйича 1-ўрин соҳибаси:



— Юрт гўзаллигини кўрсатиш, тараннум этиш ҳар бир ижодкорнинг бурчи ҳисобланади. Мен ҳам "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловига "Таълимга эътибор — келажакка эътибор", "Саломатлик дастури " ва "Миниг бир ҳунар" каби маънавий-маърифий кўрсатувларим билан иштирок этдим. Ушбу кўрсатувларда истиқлол йилларида юртимизда таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, янги авлод учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, чексиз имкониятлар ҳақида, шунингдек, соғлом фарзандларни вояга етказиш йўлида қилинаётган ва ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳақида сўз юритилади. Шу юртнинг бир журналисти сифатида камтарона меҳнатим юқори баҳоланганидан чексиз қувончдаман. Бу ютуқ нафақат менинг балки, бутун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, ҳамкасбларимнинг, устозларимнинг ютуғидир. Бу танлов энг биринчи ўринда биз ижодкорларга бўлган рағбат ифодаси бўлса, қолаверса, кейинги фаолиятимизда руҳий кўмак бўлиб хизмат қилади. Танловнинг барча ташкилотчилари, ҳомийлари ва ҳайъат аъзоларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Миросбек ЎРАЗБОЕВ, Тасвирий санъат асарлари йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби:



— Ижодкорларга бу сингари эътиборни жуда қадрлаймиз. Мукофот бизга кейинги ижодий фаолиятимиз давомида кўтаринки руҳ бағишлаши билан бирга катта масъулият ҳам юклайди. Мен бу нуфузли танловга мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар акс эттирилган ижодий дизайнерлик ишларимни топширган эдим. Ростини айтсам, ижодий ишларим шундай улуғ мукофотга сазовор деб топилганидан бошим кўкка етди.

Имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиманки, бугунги кунда санъатнинг бошқа турларида бўлгани каби тасвирий санъатда ҳам ижод қиламан, дунё халқларига юртимнинг жамолини, унинг улуғ ҳаёт йўлини кўрсатаман деганларга барча шароитлар етарли. Бизнинг вазифамиз эса шундай гўзал юртнинг кўркини тараннум этувчи ўлмас асарлар яратишдир.

Ситора ТОЖИДДИНОВА ёзиб олди.

Таҳририятга хатлар

"Каттақўрғон тонги" оммавийлашмоқда

Шарқнинг жаҳонга машҳур шаҳарлари Самарқанд ва Бухорои шариф оралиғида жойлашган Каттақўрғон шаҳри ўзининг шонли ва ибратли тарихига эга. Айниқса, у буюк олимлари, шоирлари, маданий-маърифий-маънавий масканлари, ажойиб анъаналари билан элга танилган.

Маълумотларга қараганда, 1887 йилда, яъни бундан 122 йил муқаддам ҳам бу шаҳарда 27 та мактаб (эски услубдаги) мавжуд бўлиб, уларда 329 нафар ўқувчи таълим олган экан. Ўша йилларда ҳудудда рус мактаби, кейинчалик диний черков билим юрти ва учинчи мадраса ҳам очилиб, маҳаллий аҳоли фарзандлари ўқишга жалб этилган.

Демак, ўша оғир — Ўрта Осиёни чор Россияси истило қилган йилларда ҳам Каттақўрғонда таълим-тарбия соҳасига чанқоқлик кучли бўлган. Бу эса театр, матбуот ва бошқа соҳаларнинг ривожига катта ҳисса қўшган тараққийпарвар, Ватан фидойилари бўлган инсонларнинг камол топишига замин яратди. Ўша йилларда Очилди Мурод Мирий, Ноқис, Ҳакима, Мутриба, Нурмон шоир, Аҳрор, Дабирий каби тараққийпарвар зиёлилар баракали ижод қилиб санъат, адабиёт, илм ва фаннинг юксалишига катта ҳисса қўшишган.

Бугунги кунда ҳам кўплаб маҳаллий ижодкорлар истиқлол имкониятидан кенг фойдаланиб, анъанани давом эттиришмоқда. Хусусан, ўн беш йилдан буён чоп этилаётган "Каттақўрғон тонги" газетаси ҳам ана шу улкан ва бой тажриба мактабининг мевваларидан биридир. Газетани ташкил этиш ва унинг оммавийлигини таъминлашда муҳаррир Ғ.Шукуров ва кўплаб фидойи ҳомийларнинг ҳиссаси катта бўлган. Албатта, бугунги кунда газетанинг ҳозиржавоб, ранг-баранг ва ўқишли бўлишини таъминлаш осон эмас. Аммо мазкур нашр бугун Каттақўрғон шаҳрининг гуллаб-яшнаши, тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

Мамадали ЭРГАШЕВ,
Дилшод ШАКАРОВ
Самарқанд вилояти.

Коллеж маҳалла ҳуснини очди

Зарбдор туманининг Бўстон шаҳарчасида маиший хизмат йўналиши бўйича коллеж, туман марказининг ўзида эса қишлоқ хўжалиги ва иқтисод йўналиши бўйича икки коллеж мавжуд. Яқинда "Шарқ юлдузи" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида ахборот технологиялари колледжи ҳам қуриб битказилди. Бу тумандаги тўртинчи касб-ҳунар маскани ҳисобланади. 1 миллиард 647 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган мазкур бино 360 ўқувчига мўлжалланган, унда компьютер хонаси, спорт зали ҳамда ошхона мавжуд.

Бинони Жиззахдаги "Вермут КТХС-Ф" фирмасининг Келдибек Болтаев бошлиқ қурувчилар жамоаси қуриб битказишди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида маҳалла ҳуснига алоҳида гўзаллик бахш этган мазкур бино мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида ёшларга ажойиб совға бўлади.

Фазилат СУЮНОВА
Жиззах вилояти.

Иш ҳақимни қачон оламан?

2007 йилнинг сентябрь ойидан буён Э.Холматов номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишлаяпман. Аммо хизмат вазифамни сидқидилдан бажариб келаётган бўлсамда, ўтган йили умуман иш ҳақимни ололганим йўқ. Бунинг сабабини мудира Қ.Мисировадан сўраганимда, у менга: "Иш ҳақингнинг бир қисмини менга берсанг, шунда оласан", — дейди. Табиийки, бу таклифга рози бўлмадим. Сабаби мудира маошимни ўз ёнидан тўлаётгани йўқ, давлат томонидан менга штат жадвали бўйича иш ҳақи белгиланган. Ойлик иш ҳақим 90 минг сўм қилиб белгиланган бўлса-да, жорий йил ҳисобидан фақатгина январь ва февраль ойлари учун 50 минг сўм олдим, холос.

Тақдир тақозоси билан турмуш ўртоғимдан ажралганман. Айни пайтда икки нафар фарзандим билан турар жойимиз йўқлиги сабабли отамнинг уйида яшаймиз. Наҳотки, мендек бир муштипар аёлнинг ойлик иш ҳақини кимдир "туя қилиб", рўшнолик кўраман деб ўйлаётган бўлса?

Гулнора СУЯРҚУЛОВА
Жиззах вилояти,
Зомин тумани.

Исм танлаш ҳам санъат

Оддий иш кунларининг бири эди. Ишхонага кириб келган ёш эр-хотин яқинда туғилган ўғлининг исмини Жамшиддан Жамолиддинга ўзгартириб беришимизни сўради.

— Жамшид ҳам гўзал исм, қолаверса уни ўзингиз танлаган экансиз-ку! — дедим уларга.

Ёш оила бошлиғи эътирозимизни тан олди. Лекин бу ном оила катталарига ёқмабди. Сабаби Жамшид исмини қиморбозлар кўп тилга олишармиш. Жалолиддин эса мард, жасур, Ватан ҳимоячиси...

Яна бошқа бир кун бунинг акси бўлган воқеага дуч келдим. Мўътабар ёшдаги қайноналардан бири набирасига ўзи ёқтирган исмни қўйдирган экан. Шаддод келин эса "Мен айтган исмни нега қўймадинглар?" деб онасиникига аразлаб кетибди.

Шу ўринда хотирамга муҳрланиб қолган яна бир воқеани айтиб ўтсам. Фуқаролик паспортида қайд этилган исм ва насаби билан танишган бўлажак қуда қуёв болани бошқа миллатга мансуб деб ўйлаб никоҳ тўйига розилик бермайди. Ҳужжатда бўлажак куёвининг исми ва фамилияси Ёқубжон Махсумов ўрнига "Якоб Максимов" дея қайд этилган экан.

Чақалоққа исм қўйишда, аввало, оиланинг ёши улуғроқ кишилари билан кенгашиб олинса фойдадан холи бўлмайди. Ота-онанинг нияти ҳам инобатга олиниб, бамаслаҳат исм танлаш керак. Бу эса рўй бериши мумкин бўлган кўплаб кўнгилсизликларнинг олдини олади. Фарзандига исм танловчилар "Ўзбек исмлари" номли китобга мурожаат қилишса ҳам бўлади. Китобда ўзбекона исмларнинг асл луғавий маънолари кўрсатилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддасида (1995 й. 22 декабр, янги таҳрир) "Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исмини ва фамилиясини миллий тарихий анъаналарига мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадир" дейилган. Бу модда ўзбек халқининг асл исм ва фамилиясини тиклаш ҳамда сақлашга қаратилган. Демак, исм-шарифи нотўғри ёзилган ҳамюртларимиз бу хатоликни тузатишларини сўраб бемалол тегишли идораларга мурожаат қилишлари мумкин.

Муборак САИДОВА,
Андижон вилояти, Асака тумани ФҲДЁ бўлими мудири.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ҒОЛИБЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Тоҳира Алимова** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи мутахассиси — "Султон Жалолиддин Мангуберди", "Ўзбекистоннинг тасвирий санъати" ва "Тановар рақс жилолари" китобларининг рус тилига таржималари учун

2. **Майрам Шорапова** — "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ходими — Публицистик мақолалар, шеърлар ва достонни ўз ичига олган "Ойдин дунё" номли китоби учун

2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича :

1-ўрин:

Шуҳратулла Ризаев — адабиётшунос олим, публицист — Маънавий-маърифий мавзудаги ҳамда санъат ва санъаткорлар ҳақидаги мақолалари учун

2-ўрин:

Татьяна Кистанова — "Ўзбекистон овози" — "Голос Узбекистана" газеталарининг бош муҳаррири ўринбосари — Соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ислоҳотларни ёритган туркум мақолалари учун

3-ўрин:

Зиёдулла Халилов — Қашқадарё вилояти ИИБ муассислигидаги "Посбон" газетаси махсус мухбири — *Юрт тинчлиги ва осойишталиги масалаларига доир ҳамда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш ҳақидаги материаллари учун.*

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Шаҳзода Акбарова** — "Аёл ва жамият" газетаси мухбири (Наманган вилояти) — Эл-юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган фидойи инсонлар ҳақидаги очерклари учун

2. **Абдусаттор Содиқов** — "Маърифат" газетасининг Жиззах вилояти бўйича махсус мухбири — "Истиқлол фарзандлари", "Таълимга эътибор — келажакка эътибор" рукнларидаги мақолалари учун

3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича:

1-ўрин:

Зиёда Эшмуродова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари» бош муҳарририяти катта муҳаррири — "Соғлом она — соғлом бола", "Саломатлик дастури " ва "Миниг бир ҳунар" кўрсатувлари учун

2-ўрин:

Дилафруз Кулматова — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг "Коинот" телевидениеси муҳаррири — "Бухорои шариф" рукнидаги кўрсатувлари учун

3-ўрин:

Зулфизар Раҳмонова — Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг муҳаррир-бошловчиси — "Сўз қудрати" ва "Ёшлар вақти" туркумидаги кўрсатувлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Мапура Муҳамедова** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Спорт" телерадиоканали "Машъал" радиоканали Мусиқий дам олиш ва маърифий дастурлар муҳарририяти бўлими бошлиғи — Миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткорлар ҳақидаги эшиттиришлар туркуми учун

2. **Нозимжон Ҳожиев** — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг Нодавлат телекомпаниялар тармоғи режиссёри — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ижтимоий роликлари учун

4. Тасвирий санъат асарлари бўйича:

1-ўрин:

Миросбек Ўразбоев — (Қорақалпоғистон Республикаси) дизайнер — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар акс эттирилган ижодий ишлари учун

2-ўрин:

Адхам Мирзаахмедов — рассом — "Шарқда", "Уфқ", "Кўза ва заргарлик буюмлари" ҳамда "Кандакорлик" каби тасвирий санъат асарлари учун

3-ўрин:

Хотам Мамадалиев — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг фотомухбири — Истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларни тасвирлаган фотосуратлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Сайёра Турдиалиева** — дизайнер — Наврўз ва Ўзбекистон Конституцияси куни байрамларига бағишланган ижодий ишлари учун

2. **Муҳаммад Юсуф Мирзаев** — рассом (Фарғона вилояти) — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили", "Мустақиллик байрами", "Улуғ айём муборак", "Тошкент 2200 ёшда" номли тасвирий санъат асарлари учун

5. Кино санъати асарлари бўйича:

1-ўрин:

Рихсибой Мухамеджанов — кинодраматург — "Чол ва набира" бадиий фильмидаги муаллифлик ва режиссёрлик иши учун

2-ўрин:

Зулхумор Мўминова — "Ўзбекфильм" киностудиясида актёр — "Сув ёқалаб" бадиий фильмида ижро этган роли учун

3-ўрин:

Азизбек Муҳамедов — "Ўзбекфильм" киностудияси мультбирлашмасида постановкачи-рассом — "Икки қўшни ва қовун" мультфильмидаги режиссёрлик иши учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Азиза Пиязова** — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма театрида актёр — "Ўғри" бадиий фильмида ижро этган роли учун

2. **Улуғбек Юнусов** — актёр — "Тузоқ" бадиий фильмида ижро этган бош роли учун

НИГОҲ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЕР ОСТИ “САРОЙ”ЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Ҳозирги кунда Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 39 километрдан ортиқ бўлиб, 29 та бекатни ўз ичига олган.

— Ҳар куни метрополитенимиз 200-250 минг йўловчига сифатли транспорт хизматини кўрсатади, — дейди бошқарманинг масъул ходими Абдутоҳир Абдуқодиров. — Бир йилда эса 90 миллиондан кўпроқ йўловчининг узоғини яқин қилмоқдамиз. Келгусида ҳам бу соҳага энг сўнгги технологияларни жалб этишга бор куч ва имкониятларимизни қаратиш ниятидамиз.

Халқимиз бунёдкорлиги, салоҳиятининг маҳсули ҳисобланган метрополитен қурилиши 1972 йилнинг 25 июлидан бошланганди. 1977 йил 7 ноябрда фойдаланишга топширилган узунлиги 12 километрдан ортиқ бўлган ер ости йўлининг биринчи навбати “Собир Раҳимов” бекатидан “Амир Темур хиёбони” бекатигача бўлган масофани ўз ичига олганди. 1980 йил август ойида эса узунлиги 4 километрдан зиёд “Ҳ.Олимжон”, “Пушкин” ва “Буюк ипак йўли” бекатларидан иборат бўлган йўл фойдаланишга топширилди. Метрополитеннинг лойиҳалаштирилган Чилонзор йўли шу аснода муваффақиятли тугалланди. 1984 йилнинг 26 ноябрида “Ўзбекистон” йўлининг 5 километр узунликдаги 5 дан ортиқ бекати (“Алишер Навоий” — “Тошкент”), 1987 йилнинг ноябрида Чкалов бекатигача бўлган 3 километрдан ортиқ қисми пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг узоғини яқин қила бошлади. 1989 йил ноябрида 2 бекатли (“Алишер Навоий” — “Чорсу”), 1991 йил апрелида (“Тинчлик” — “Беруний”) бекатлари фойдаланишга топширилди ва бу пойтахтимиз йўловчи ташиш тизимида ўзига хос бурилиш бўлди.

Тошкент метрополитени собиқ иттифоқ миқёсида Москва, Санкт-Петербург, Киев, Боку, Тбилиси, Харьков шаҳарларидаги ер ости йўлларидан кейин еттинчи бўлиб қурилган. Унда ёз жазирамасида ҳавони салқинлаштирувчи мосламалар, шамоллатиш тизими ҳам мавжуд. Бундан ташқари Тошкент шаҳри фаол сейсмик ҳудудлиги инобатга олиниб, мутахассислар томонидан шароитга бардошли конструкциялар асосида барпо этилган. Тошкент метрополитени нафақат халқимиз ҳамда меҳмонларимизга қулай ва тезкор транспорт хизматини кўрсатувчи мажмуа, балки миллатимизнинг ўзлигини намоён этувчи меъморий обида ҳам ҳисобланади. Атоқли адабиёт, фан, техника намояндаларининг номлари билан аталувчи бекатлардаги қопламали, безакли нақшлар, миниатюралар пойтахтимизга ташриф буюрган ҳамюртларимиз ва ҳатто хорижликларда ҳайрат уйғотиб келмоқда.

Биз фурсатдан фойдаланиб метрополитен хизматидан баҳраманд бўлаётган айрим юртдошларимизнинг мулоҳазалари билан ҳам қизиқдик.



Бахтиёр ЭШМИРЗАЕВ, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги Қарашина шаҳарчасидан:

— Ҳар гал пойтахтимизга меҳмон бўлиб келганимда метрополитен хизматидан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Ер ости йўлининг менга манзур бўлган жиҳати шундаки, поездлар қатновининг бир маромдалиги ва манзилга тезда етказиб қўя олишидир. Бу эса режалаштирган ишингизнинг қисқа вақт ичида бажариб олишингизга имкон яратади. Шу юртнинг оддий фуқароси сифатида бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонларнинг Тошкент метрополитенида ҳайратини яшира олмаганига кўп бор гувоҳ бўлганман.

Малика ИБРОҲИМОВА, Тошкент шаҳри, Себзор даҳасидан:

— Тошкент метроси ишга туширилганида ҳали йигирмага ҳам тўлмаган эдим. Ҳозир метрополитеннинг ўша пайтлардаги қиёфаси, йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасидаги фаолиятини бугунги кун билан таққослаб бўлмайди. Истиқлол йилларида ер ости “сарой”лари том маънода миллий қиёфа касб этди. Энг қувонарлиси, вагон ичида бекатларга доир эслатувлар она тилимизда жаранглайдиган бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. “Финанс” журнали тақдим этган маълумотларга кўра, дунё бўйича метрополитенлар рейтинги аниқланди. Йўловчи ташиш бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган Токио, Москва, Сеул, Нью-Йорк, Мехико, Гонгконг метрополитенларининг номлари қайд этилган. Шуниси қувончлики, унда Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент метрополитени ҳам дунё рейтингида юқори ўринлардан бирини эгаллагани қайд этилган. Қулайлиги, шинамлиги, тезкорлиги билан ажралиб турувчи Тошкент метрополитенида хизмат қилаётган аҳил жамоа эса “Энг улуғ, энг азиз” байрам — мустақиллигимизнинг 18 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини меҳнатда улкан зафарлар билан қарши олмоқда.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Ногиронларга имтиёзлар ҳақида

Самарқанд вилоят Иштихон туманида истиқомат қиладиган II гуруҳ ногирони Х.Ирсолиев таҳририятимизга хат йўллаб, ногиронларга қандай имтиёзлар борлиги тўғрисида сўраганди. Биз ушбу мактубни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига жўнатгандик.

Яқинда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш республика инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Т.Эшиевдан қуйидаги мазмунда жавоб олдик:

“Инспекция топшириғига биноан, Самарқанд вилоят бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан Х.Ирсолиевнинг тиббий ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Х.Ирсолиевга 2006-2009 йиллар умумий касалликдан 2-гуруҳ ногиронлиги бир йил муддатдан белгилаб келинган. 2006 йил 18 сентябрда протез олиш учун йўлланма берилган ва протез билан таъминланган.

Х.Ирсолиевнинг аризаси юзасидан, жорий йилнинг 2, 17 июль кунлари ТМЭК мутахассислари хат муаллифи билан учрашиб, янги протез мосламаси олиш учун Самарқанд вилоят минтақавий реабилитация маркази протезлаш бўлимида протезга тайёрлаш ва протезлаш тавсия этилиб, йўлланма берилган.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонун ҳужжатларига биноан 2-гуруҳ ногиронлари умумий касалликдан қуйидаги имтиёзларга эга эканини маълум қиламиз:

— даволаш профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилиш;

— навбат асосида вазирлик тизимидаги сиҳатгоҳларга бепул йўлланма олиш;

— тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;

— мол-мулк ва ер солиқларидан озод бўлиш;

— даромад солиғи (энг кам миқдордаги иш ҳақининг 4 баравари-дан) тўлашдан озод этиладилар”.

ШАҲИДЛАР ШАЪНИ МУҚАДДАС

(Бошланиши 1-бетда.)



Президентимизнинг 1999 йил 12 майда қабул қилган Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили 24 июлда қабул қилган “Ватани ва халқининг озодлиги йўлида жонини фидо қилган ватанпарварларнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қароридан сўнг тадқиқотчилар учун архивлар эшиги, махфий ҳужжатлар жилди очилди. Зулм ва зуғум, қон ва таҳқир ҳиди анқиб турган минглаб “жиноий иш”ларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш имкони пайдо бўлди.

2000 йилдан буён фақат “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармасининг ташаббуси ва ҳомийлигида 36 та китоб чоп этилди. Энг муҳими, Наим Каримов ва Рустамбек Шамсиддинов сингари заҳматкаш олимлар олиб борган илмий тадқиқотлар асосида қатағон йилларининг ҳужжатларини ўз ичига олган “Репрессия, 1937-1938” китобининг дастлабки 5 жилди, “Қатағон қурбонлари”, “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”, 3 жилдлик “Ўрта Осиё қишлоқларининг фожиаси”, “Катта қирғин йилларида Марказий Осиё қишлоқлари”, қорақалпоқ тилидаги “Жазықсиз жазаланған репрессия қурбанлары” сингари китоблар нашр этилди. Архив материаллари асосида тайёрланган бу китобларда юзлаб ватандошларимизнинг исми-шарифи, манзили, уларга қўйилган айбларнинг мазмун-моҳияти, берилган жазо ва унинг ижросига оид маълумотлар кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

“Истиқлол фидойилари” ва “Истиқлол қаҳрамонлари” туркумидан республикамизнинг бошқа нашриётларида чоп этилган ўнлаб китоблар ҳам шаҳидлар руҳини шод этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

***

Ушбу мақолани ёзишдан кўзланган мақсад ҳуррият йилларида амалга оширилган ва оширилаётган хайрли ишларни қайд этишдангина иборат эмас. 2000 йилнинг 12 майида Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, **“Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл- заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир... Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қиладиган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.”**

Шу нуқтаи назардан олганда, қатағон қурбонлари жасур курашчиларга ва бегуноҳ жабрдийдаларга бўлинади, курашчиларни эса ўз навбатида ғоявий раҳнамоларга ҳамда қуролли ҳаракат қатнашчиларига ажратиш мумкин.

Гарчи, ғоявий раҳнамолар атамаси бир қарашда ғализроқ туюлса-да, чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ўн тўққизинчи асрнинг охири ва йигирманчи асрнинг бошида маърифат байроғини кўтарган, халқини диний мутаассиблик тўрларидан қутқариб, замонавий илм-фан ютуқларига ошно қилиш орқали тараққиётнинг дунёвий йўлига олиб чиқишга уринган, бу олижаноб ниятлари учун ўз миллатидан бўлмиш ҳукмдорларнинг ҳамда босқинчи амалдорларнинг ашаддий қаршилиги, қаҳр-ғазабига дучор бўлган, аммо йўлларидан қайтмаган, шўролар даврида ҳам ўз саъй-ҳаракатларини давом эттирган жонкуяр зиёлиларнинг тарғибот-ташвиқот йўли, бадиий ва публицистик асарлари орқали миллий озодлик ҳаракатини бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлагани сир эмас.

Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида бунга анчагина ишоралар бор. Дастлаб асар бош қаҳрамонларидан бири Саидий даврадошлари томонидан ўзининг устамонлик билан шўроларга қарши курашувчилар сафига тортилаётганини пайқамайди, шундай ҳаракат мавжудлигини сезгач, унинг фаолиятини жонлантиришга, янги аъзоларни жалб қилишга жон-жаҳди билан киришади, аммо кўп нарсалардан бехабарлиги туфайли “қовун тушириши”-га сал қолади. Лекин “Кўп вақт ўтмай Саидий Муродхўжа домла вилоят қўмитасининг (истиқлолчилар ташкилоти назарда тутилади — Б.Р.) раиси эканини ва бунга боғлиқ бўлган кўпгина нарсаларни билди, шундан кейин “алоҳида қисмлар”ни ўз ўрнида ва “катта механизмни” ҳаракатда кўрди”.

Романда тасвирланишича, Саидий билан Сорахоннинг тўйи эса аксилшўровий ташкилот Марказий қўмитасининг ўзига хос кенгашига айланади ва бу кенгашда бошқа туркий ўлкалардан келган вакиллар ҳам иштирок этади. Бу адибнинг бадиий тўқимаси ёки хаёлоти маҳсули эмас. Фақат асарга эҳтиёткорлик билан кўчирилган ҳаёт ҳақиқатидир.

Биз “Hurriyat” газетасининг шу йил 6 майда чоп этилган “Инсон азиз, хотираси қадрли” сарлавҳали мақоламизда қатағон қурбонларининг тақдирига битта андоза билан ёндашиш тўғри эмаслигини, яъни шўро давридан бошланиб ҳозиргача давом этиб келаётган таомилга кўра ҳаммасини бирваракайига “ноҳақ жазоланганлар” ва кейинчалик “оқланганлар” тоифасига киритишнинг ўзи ноҳақлик экани хусусида фикр билдирган эдик.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида асосан 1937-38 йилларда қирғинга учраган адабиёт, маданият, санъат намояндалари ва давлат хизматчиларининг “иш”ларигина қайта кўрилиб, уларнинг бир қисми тўлиқ, бир қисми чала-ярим тарзда ноҳақ қатағон қилинган, деб топилди. Бошқача қилиб айтганда, истиқлолнинг асл фидойилари яна бир бор эллигинчи йиллардаги сиёсий ўйинларнинг қурбонига айлантирилди. Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари зотларнинг аввал номи, кейин ижоди оқланган бўлса, Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Чўлпон сингари улуғ инсонларга ўша “шараф” ҳам раво кўрилмади.

Юртимиз миллий мустақиллигига эришгандан сўнггина Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари боис тарихнинг мудҳиш хатоси тузатилди, Ватан эрки ва халқ озодлиги йўлига жон тиккан азиз инсонларнинг номи ҳам, шаъни ҳам тўлиқ тикланди ва тикланмоқда.

Бироқ қатағон қурбонларининг ҳаёти, фаолияти, илмий, адабий меросига оид тарихий тадқиқотларни, асарларни, роман, қисса ва мақолаларни варақлаганда кўнгилни ўкситадиган бир ҳолатга дуч келинади. Уларнинг аксариятида шўролар давридан қолган таомил, яъни барча шаҳидларни “ноҳақ жазоланганлар”, деб ҳисоблаш аллақачон йўқликка кетган мустабид замондан ўпка-гина қилиш анъанаси устуворлигича қолмоқда.

Тўғри, коммунистик режим етакчилари “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китобининг 2 жилдида айтилганидек, **“Бу қабиҳликларни амалга оширар эканлар, улар аввало ўз кабинетларида ўтириб ўнлаб сохта “аксилинқилобий ташкилотлар”ни ўйлаб топдилар ва уларни фош этишга киришдилар”.** Кўпгина давлат идоралари хизматчилари шу тарзда айбланиб, жазога мустаҳиқ этилдилар. Бу шунчаки нодонлик, бефаросатлик билан қилинган иш бўлмасдан, балки чуқур ўйланган сиёсат эди. Чунки октябрь тўнтаришидан сўнг ўтган салкам йигирма йил давомида ўша давр тили билан айтганда юзлаб “йўқсил”лардан чиққан, республика, вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсидаги юксак лавозимларни эгаллаган кишиларнинг кимлигини, шўролар учун қилган хизматини халқ кўриб-билиб тургани боис, уларни оддийгина “халқ душмани” тамғаси билан маҳв этиш кифоя қилмасди. Шунинг учун жамоатчиликнинг қаҳрини қўзғатадиган тамға — “хорижий давлатлар жосуси”, яъни, ватан хоини сифатида айблаш йўли тутилган ва бу ўзининг натижасини берган. Яъни қатағон гирдобига тортилган инсонларнинг гуноҳкорлигига бутун оммани ишонтириш эмас, айни пайтда уларга нисбатан қўлланилган шафқатсиз жазо чораларининг бутун эл томонидан қўллаб-қувватланишига эришилган.

Лекин кўпчилик тадқиқотчилар мустабид тузум етакчиларининг ушбу найрангини фош қилишга киришиб, истиқлолнинг ҳақиқий курашчиларига қўйилган “айб”ларни ҳам уйдирма сифатида талқин қилишга уринадилар.

Ҳолбуки, чор Россияси пайтида ҳам истилочиларга, ҳам халқни тубанлик чоҳига тортган хонликлар сиёсатига қарши маърифий йўл билан бошланган кураш, шўролар даврига келиб, айрим сабабларга кўра аввалига озроқ сусайган бўлса, кейинроқ яна авжига чиққани тарихий ҳужжатлардан маълум. Юртимизнинг турли ҳудудларида “Шўрои исломия”, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар”, “Иттиҳод ва тараққий”, “Туркистон”, “Миллий иттиҳод” “Ботир гапчилар”, ”Тараққийпарварлар”, “Чиғатой гурунги”, “Нашри маориф”, “Кўмак” сингари ташкилотлар, уюшмалар фаолият олиб борган. Жадидчилик ҳаракатининг пешқадам сиймолари раҳбарлик қилган ва қўллаб-қувватлаган ушбу ташкилотлар миллатни уйғотиш, сиёсий-маърифий онгини юксалтириш соҳасида кенг кўламли фаолият олиб бориш билан биргаликда, қуролли истиқлолчилар билан ҳам узвий алоқада бўлиб, уларга мадад ва маслаҳат бериб турган.

Бу шахсий фикр эмас. 1937-38 йилларда бўлиб ўтган терговлар ва суд жараёнларида айбланувчилар ўзларининг ушбу ташкилотлар билан алоқадор эканини, большевиклар тузумига қарши у ёки бу шаклдаги курашларда иштирок этганини бўйинларига олишгани ҳужжатларда қайд этилган. Бироқ ушбу икрорномалар туҳматлар, чақувлар, жисмоний-руҳий тазйиқлар, қийноқлар орқали олинган, деган тушунча чуқур илдиз отиб, бу қараш ҳозиргача ҳам давом этиб келмоқда.

Бизнингча, бу истиқлолнинг асл фидойилари хизматини камситиш, уларни анчайин адолатсиз тузум ва туҳматлар қурбонига айлантиришдан бошқа нарса эмас. Тўғри, бутун сиёсати ўзга миллатлар устидан ҳукмронлик қилишга асосланган чоризмнинг зуғум ва зулмларидан, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро келишмовчиликларидан безор бўлиб, тиш қайраб юрган ўзбек халқи дастлабки пайтларда шўролар тузумини қўрқув, ҳадиксираш, иккиланиш билан кутиб олгани тарихдан маълум. Сал ўтмай фуқароларнинг қадр-қимматини оёқ ости қилиш, эркини топташ борасида бу тузумнинг ҳам олдингисидан қолишмаслиги, сиёсати миллатимизнинг азалий турмуш тарзига, диний, маънавий руҳига зид экани маълум бўлгач, ҳақиқий эркинликка эришиш учун курашга киришилди.

Буни кўзлари билан кўрган, ўзлари чин дилдан хайрихоҳ бўлган, қуролли гуруҳларни мағлубиятга олиб келган сабабларни таҳлил қилган маърифатпарварлар, токи, бутун миллат бирлашмас, замонавий илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлмас, уруғчилик, қабилачилик туйғуларидан қутулмас экан, фақат қурол ёрдамида мақсадига етиб бўлмаслигини тушундилар. Миллатнинг дунёвий билим орқалигина ўзини таниши, қадр-қимматини англаши мумкинлигига яна бир бор икрор бўлгач, болтанинг сопини ўзидан чиқаришга бел боғладилар.

Бунинг учун эса энг оддий ва самарали усул — маърифатпарварлик танланди. Шу йўл орқали ўз мақсадларига тезроқ етишишни мўлжаллаган бу закий зотлар шўро муассасаларига хизматига кирган бўлсалар-да, аммо бутун фаолиятларини янги тузумнинг илдиз отишига кўмаклашиш эмас, балки тагидан қўпоришга йўналтирдилар.

Улар зоҳиран шўро тузумига маданий инқилобни амалга оширишда ёрдамлашаётгандек кўринсалар-да, аслида ўзларининг романлари ва қиссалари, шеър ва достонлари, драматик асарлари, ҳажвий йўналишдаги ҳикоялари ва фельетонлари, турли хилдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари орқали миллий қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тафаккурини ўзгартириш, қалбига курашчанлик руҳини сингдириш йўлини тутдилар. Ҳатто хориж адабиётидан ҳам мазмун-моҳиятига кўра, юртдошларимизнинг дунёқарашини кенгайтириш, жаҳон маданиятига ошно қилиш билан биргаликда, ўзига хос тарзда миллий қадр-қимматини англашга хизмат қиладиган асарлар таржима қилинди. (Бу ишларнинг қай тарзда амалга оширилганини батафсил ёритиш эса йирик илмий тадқиқотларнинг мавзусидир – Б.Р).

Албатта, ўзларининг инқилобий ғоялари билан бутун дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборган совет тузуми раҳнамолари ҳам анойи эмасди.

*Шу ўринда биттагина мисолга тўхтаб ўтишга тўғри келади. 1929 йилда “Мунаввар-қори тўдаси” деган “иш” очилади ва 87 киши терговга тортилади. 1931 йилнинг апрелида ОГПУ (*аксилинқилобчилар билан курашадиган сиёсий идора *– Б.Р.) қарори билан 15 киши отувга, 31 киши ўн йил, 19 киши беш йил, 14 киши уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади, 1 киши 1 йилга Омск шаҳрига сургунга юборилади, 3 киши юртидан бадарға этилади.*

Мунавар қори, Салимхон Тиллахонов, Саид Аҳрорий, Тангриқул ҳожи Мақсудов, Нажмиддин Шермуҳаммедов билан бирга 1931 йилнинг 23 майида Москванинг машҳур Бутирка қамоқхонасида отилиб, Ваганкова қабристонига пинҳона кўмилади.

Тергов ва суд жараёнлари Москва шаҳрида бўлиб ўтгани боис, ҳамон ушбу гуруҳ зиммасига қандай айблар қўйилгани халқимизга, айниқса, бугунги авлодга номаълумлигича қолмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатган “18 лар”, “Иноғомовчилар”, “Қосимовчилар”, “Бадриддиновчилар” гуруҳлари ҳақида ҳам узуқ-юлуқ маълумотларгина маълум. Аммо ўша маълумотларнинг ўзи ҳам мамлакатимиздаги шўро идораларида ишлаётган жасур юртдошларимизнинг халқимизнинг турмуш тарзи ва қадриятларига ёт тузумга қарши курашишдан чўчимаганликларини кўрсатади. Тўғри, юқорида тилга олинган турли номда, аммо, юрт озодлигига эришишдек ягона мақсадга интилган ташкилот ва уюшмаларнинг ҳужжатлари (мажлис баённомалари, қарорлари, дастурлари) сақланиб қолмаган. Балки аслида бўлмагандир ҳам. Чунки донишманд боболаримиз турли қиёфадаги хуфяларнинг чақуви ва хиёнатидан зада бўлган, ғанимларининг қўлига ёзма далил тутқазмаслик учун бутун ишни оғзаки тарзда, яъни бири-бирининг лафзи ҳалолига ишонган ҳолда олиб борган бўлишлари ҳам мумкин.

Ушбу масалаларни ойдинлаштиришнинг битта йўли эса бугунги кунда архивларда сақланган ўша даврдаги тергов ва суд ҳужжатларини янада чуқур ўрганиш, айбланувчиларнинг жавобларини ўрганиш, бир-бирига таққослаш ва боғлаш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан ёндашишдир.

Шундагина истибдод авж пардасига кўтарилган даврда кўрқув билмасдан ўз халқининг эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек улуғ мақсадга жон тиккан жасур ва мард аждодларнинг хизматига одилона баҳо берган ва қадр-қимматини чинакамига жойига қўйган бўламиз.

Зеро, шаҳидлар шаънини ардоқлаш авлодларнинг муқаддас бурчидир.

Бахтиёр РИЗО

КУТЛОВ



"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси

юртимиз фуқароларини
мамлакатимиз Мустақиллигининг
***18 йиллиги** ва азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг*
*қутлуғ **2200 йиллик** тўйи*
билан самимий муборакбод этади.

«Матбуот тарқатувчи» АК 2010 йил учун мамлакатимиз бўйлаб обунани расмийлаштирмоқда ва хизмат сифатига кафолат беради.

TURON BANK

Азиз юртдошлар!
Очиқ акциядорлик тижорат
ТУРОН БАНК

Сизларни Истиқлолимизнинг 18 ЙИЛЛИГИ ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади ва қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

18 YIL

1. "ТОШКЕНТ 2200"
Сақланиш муддати – 1йил, омонат фоизи йиллик 24 фоиз ҳисобидан ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади, омонат суммаси чекланмаган.

2. "БАРҲАЁТ"
Сақланиш муддати – 2 ой, омонат фоизи йиллик 26 фоиз ҳисобидан ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади, омонат суммаси чекланмаган.

3. "БАҲОР"
Сақланиш муддати – 3 ой, омонат фоизи йиллик 30 фоиз ҳисобидан ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади, омонат суммаси чекланмаган.


ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

1. "BONUS PLUS"
Омонатга йиллик 9 фоиз ҳисобидан фоиз ҳисобланиб, сақланиш муддати – 6 ой бўлганда 1 фоиз, сақланиш муддати – 12 ой бўлганда 2 фоиз, сақланиш муддати – 18 ой бўлганда 3 фоиз **Бонус** қўшиб берилади.

2. "UNIVERSAL"
Омонат 3, 6, 9, 12 ой муддатларга қабул қилиниб, АҚШ долларига йиллик 9 фоиз, ЕВРОга йиллик 6 фоиз, Англия фунт стерлингига йиллик 3 фоиз ҳисобидан ҳақ тўланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТИНГИЗ:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!*

№	Филиаллар номи	Коди	Телефон рақами	
1	Марказий амалиёт бошқармаси	371	244-29-18,	723-55-55
2	Миробод филиали	371	150-10-10,	150-10-20
3	Зангиота филиали	371	150-20-25,	150-20-26
4	Бўка филиали	370	57 36 230,	57 35 190
5	Андижон филиали	374	222-19-09,	290-65-79
6	Наманган филиали	369	226-25-46,	226-29-65
7	Фарғона филиали	373	224-06-17,	224-71-08
8	Сирдарё филиали	367	227-22-64,	227-23-10
9	Жиззах филиали	372	223-47-13,	223-47-10
10	Самарқанд филиали	366	231-07-72,	231-14-30
11	Қарши филиали	375	226-01-57,	226-24-13
12	Шаҳрисабз филиали	375	522-50-70,	522-50-75
13	Сурхондарё филиали	376	223-18-99,	223-04-53
14	Бухоро филиали	365	223-01-25,	224-44-48
15	Олот филиали	365	342-10-37,	342-22-32
16	Навоий филиали	436	224-21-08,	224-20-76
17	Хоразм филиали	362	225-84-89,	225-26-37
18	Нукус филиали	361	224-11-43,	222-56-63



Хизматлар лицензияланган.

ТАБРИК

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ”
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ



барча ватандошларимизни она диёримиз ҳуррияти эришганининг 18 йиллиги ҳамда жонажон ва азиз навқирон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан табриклайди.

Юртдошларимизга ҳамиша бардамлик, хушкайфият ва омад йўлдош бўлсин, йўлларингиз доимо ёруғ бўлиб, эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқаверсин! Байрамингиз қутлуғ бўлсин, юртдошлар!



«O`ZVINOSANOAT-XOLDING» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

халқимизни Мустақиллигимизнинг

муборак 18 ЙИЛЛИГИ ҳамда

пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг


2200 ЙИЛЛИК айёми тантаналари билан

чин қалбдан қутлайди.


Истиқлол муборак, азиз Ватандошлар!

18 Қарши шаҳар "Сувоқова" корхонаси жамоаси

барчамиз учун муқаддас ва мўътабар бўлган Истиқлолимизнинг 18 йиллиги билан турли жабҳаларида меҳнат қилаётган ватандошларимизни табриклайди.




Ўзбекистонимизнинг жамоли кундан-кунга чирой очиб бораверсин.



Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети профессор-ўқитувчилари жамоаси

Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллик байрами ва гўзал Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан Ватанимиз аҳолисини самимий қутлаб, уларга янгидан-янги зафар марраларини эгаллашларида омадлар тилайди.





Хўжайли тиббиёт коллежи аҳли

энг азиз байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги ва азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ватандошларимизни қизғин муборакбод этади.

Сурхондарё автомобиль йўлларидан фойдаланиш ҳудудий бошқармаси

юртдошларимизни Истиқлол байрамимизнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Ватанимиз ҳамиша ҳур ва обод бўлсин. Осмонимиз доимо мусаффо, келажагимиз ёруғ ва нурли бўлсин!



Жиззах давлат педагогика институтининг мураббийлари, профессор-ўқитувчилари жамоаси

Республикамиз олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган барча ҳамкасбларини, юртдошларимизни мамлакатимизнинг Энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллик кунига 18 йил тўлиши ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий табриклайди.

Ҳаммага соғлик-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларига муваффақиятлар тилайди.



Жондор муқобил машина-трактор парки жамоаси

халқимизни Мустақилликнинг ***18 йиллиги*** *билан самимий табриклайди.*
Дунёда тинчликдан улуғ неъмат йўқ.
Осмонимиз мусаффо, Ватанимиз доимо тинч бўлсин.

ФИКР

Спорт кийимларимизда ҳам Ватан рамзи бўлса...

Кейинги пайтларда Тошкент халқаро аэропортида турли давлатларда ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлиб қайтаётган спортчиларимизни тантанали кутиб олиш анъанага айланмоқда. Кенг жамоатчилик, устозлар ва ота-оналар кўзларида ҳаяжон билан, карнай-сурнай садолари остида самолётдан тушиб келаётган ғолибларни интизорлик билан кутишади. Бу ҳаяжон, бу ифтихор телевизор қаршисида ўтирган минглаб юртдошларимизни ҳам чексиз ғурурлантиради, юрт истиқболидан, ёшларимиз келажагидан умидвор қилади.

Мана шундай лаҳзаларда беихтиёр дилда бир хижиллик ҳам пайдо бўлади. Гап шундаки, кейинги 5-6 ой ичида бўлган бундай учрашувларда ёш спортчиларимизни ўзга давлат номи ёзилган кийимларда кўрдим. Ҳатто бир спортчимиз орқасида "СССР" деган ёзувли қизил футболкани кийиб олганини кўриб, рости хафа ҳам бўлиб кетдим. Кейинчалик эса яна бир ёш спортчимиз "TURKIYA", яна бири "РОССИЯ", қолаверса, куни кеча бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё мусобақасидан қайтган спортчиларимиздан бири "Таиланд-Бангкок" деган ёзувли кийимни кийганини кўриб, рости, дилим оғригандай, ғуруримга теккандай бўлди...


Ҳеч эътибор берганмисиз, қалбида Ватан туйғуси жўш уриб турган ҳар бир киши учун дунё байроқлари осилган жойларда Ўзбекистон байроғи ўзгача товланаётгандай туюлади, ундаги ранглар киши кўзини қувонтиради, юракларга ифтихор ҳиссини тўлдириб юборади. Наҳотки, байроғимиз суратини спорт кийимларининг елка қисмларига жойлаштириб, орқасига "Ўзбекистон" дея ёзиб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаса... Ахир, оддий бир белги ҳам, бир рамз ҳам давлатни дунёга танитади-ку!

Мусобақаларга отланганда, у ердан зафар қучиб, медаллар билан қайтишни орзу қилган делегациямиз раҳбарларидан тортиб, оддий мураббийларгача бу ҳақда ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди. Ёшларимиз гарчи кўп нарсаларни билсалар ҳам, бу уларга ўргатишнинг ҳожати йўқ, дегани эмас. Уларнинг юрагида ғурур туйғусини янада ўстириш учун, аввало мана шундай "майда-чуйда"ларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак, назаримда.

Ўзбекистон байроғи ҳали жаҳон спорт ареналарида кўп бор ҳилпирайди, ҳали кўплаб жаҳон чемпионлари чиқади. Мана шундай қувончли кунларда Тошкент аэропорти карнай-сурнай садоларига, одамлар қувончига тўлсин. Сиз билан биз эса "Ўзбекистон" деб ёзилган спорт формаларини кийиб олган ёшларимизни ғурур ва ифтихор билан бағримизга босайлик!

Қолаверса, спортчиларимиз нафақат юртимизга қайтаётганда, нафақат аэропортларда, балки ўша жаҳон мусобақалари ўтказиладиган мамлакатларда ҳам хорижий давлатларнинг номи ёзилган либосларни эмас, балки ўз юртимиз номи, рамзлари туширилган спорт формаларини кийишса, қандай яхши!

Ҳамид НОРҚУЛОВ



ХЎЖАЙЛИ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Истиқлолининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шонли байрамлари билан Ватанимиз аҳлини ғин юракдан муборакбод қилади. Бахт-иқбол, саломатлик ва янги ютуқлар доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азиз юртдошлар!

БОЖХОНА ХАБАРИ

Сифатига ким кафил?

Жазирама ёз пайтида озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига янада эътиборли бўлишимиз талаб этилади. Айниқса, нотўғри шароитларда сақланган сут ва гўшт маҳсулотларининг тезда айниб қолиши ва истеъмолчи саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Республикамиз божхоначилари эса юртимиз ҳудудига сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кирилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Яқинда Тошкент вилояти божхоначилари 3 ҳолатда йирик миқдордаги сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари контрабандасига чек қўйишди.

Тошкент туманидаги айланма йўллардан бирида ҳаракатланаётган Н.Очилов бошқарувидаги "ВАЗ 2106" автомашинаси божхона текширувидан ўтказилганда, унга ҳеч қандай ҳужжатларсиз умумий қиймати 4,5 млн. сўмликдан зиёд 5 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари юклангани аён бўлди.

Қуйи Чирчиқ туманида эса 3,5 тоннадан ортиқ товуқ гўшти ортилган "ГАЗ-53"нинг сафари эрта қариди. Фуқаро Ғ.Усмонов хориждан келтирилган ва қиймати 13 млн. сўмдан ортиқ ушбу маҳсулотларга бирон-та ҳам тегишли ҳужжатни божхоначиларга тақдим қила олмади.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги омборхоналардан бирини тегишли тартибда кўздан кечирган божхоначилар йирик миқдордаги пишлоқнинг ноқонуний сақланаётганини фош этишди. Фуқаро А.Абдувалиевга қарашли мазкур омборга 400 га яқин қутиларда оғирлиги салкам 5,5 тонна пишлоқ яширилган экан. Божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ушбу маҳсулотнинг қиймати 76 млн. сўмдан зиёдни ташкил қилди.


Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан 2200 га яқин ҳолатда қиймати 2,6 млрд. сўмлик турли озиқ-овқат маҳсулотларининг юртимизга олиб кирилишига чек қўйилди.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати инспектори.

"БУХОРОПАХТАСАНОАТ" БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолисини истиқлолга эришганимизнинг ***18 йиллиги*** *ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг* ***2200 ёши*** *билан самимий муборакбод этади. Барчанинг хонадонига файзу барака, дастурхонига тўкинлик тилайди.*





TOSHKENT 2200 YOSHDA

“O’ZTRANSGAZ”

акциядорлик компанияси бошқаруви

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 ЙИЛЛИГИ ҳамда ҳамиша мафтункор, азиз ва мукаррам жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 ЁШИ билан барча ватандошларимизни қизғин муборакбод этади.

Истиқлол — энг буюк неъмат. Ана шу буюк саодат туфайлигина мамлакатимиз дунёда тенглар ичра тенг бўй кўрсатди. Она юртимиз гуллаб-яшнамоқда.

Истиқлолимиз барчамизга муборак бўлсин, қардли юртдошлар!




18 YIL

АЙЁМОНА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузуридаги

Курортлар бошқармаси жамоаси

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг **18 йиллиги** *ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг* **2200 йиллиги** *юбилейи билан самимий муборакбод этади.*



Ҳаммага соғлик-саломатлик, ишларига муваффақият ва фаровон ҳаёт тилайди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

ЖАМОАСИ

юртдошларимизни


Энг улуғ, энг азиз байрамимиз саналган мамлакатимиз МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ва пойтахтимиз азим ТОШКЕНТнинг 2200 ёшга тўлиши муносабати билан қизғин табриклайди!

ИСТИҚЛОЛ — ЭНГ БЕБАҲО,
БОҚИЙ БОЙЛИГИМИЗ БЎЛИБ ҚОЛСИН!

Аҳоли ва мижозларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб келаётган Халқ банкида яратилган **"Uz TO'LOV"** миллий тўловлар тизими имкониятларидан фойдаланинг. Мазкур тўлов орқали энди сиз коммунал ва бошқа маиший тўловлар учун нақд ва пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш, Интернет тармоғи ва мобиль телефон орқали ҳисоб-китоб қилиш, телефон орқали ҳисоб рақамларингизни бошқариш, маълумотлар олиш тўловларни амалга ошириш, шунингдек, уяли телефонлари орқали барча сўзлашувлар учун тўловларни тўлаш, бундан ташқари республикамизнинг исталган шаҳар ва чекка қишлоғидан Халқ банкининг барча бўлимларига топширган маблағлар мамлакатимизнинг исталган ҳудудига тезкор ўтказиш ёки олиш имкониятларига эга бўласиз.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Мурожаат учун тел:
(8.371)150-12-91



Хизматлар лицензияланган. Лиц №35 25.01.2003

Бойсун туман савдо маркази аҳли



юртдошларимизни қўшалоқ айём — Истиқлолнинг ***18 йиллик*** *байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг* ***2200 ёши*** *билан муборакбод этади. Хушкайфият ва ҳаётий кўтаринкилик Сизларни тарк этмасин!*

BANK
XALQ BANKI

ДАТ Халқ банкининг Косонсой туман бўлими жамоаси


юртимиз меҳнаткашларини
МУСТАҚИЛЛИК ШОДИЁНАСИ
ҳамда пойтахтимиз
Тошкентнинг **2200 ЙИЛЛИК**
тантаналари
билан табриклайди.
Истиқлолнинг ҳар бир кунини
нурафшон лаҳзалар ёритиб
турсин.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЗИЙ

АСИЛ МАНСУР ҚИСМАТИ

1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон Наманган вилоятида истиқомат қилган маориф ва маданият ходимларининг катта бир гуруҳини ҳам ўз гирдобига тортган. Эндигина 32 ёшга қадам қўйган, адабиёт ва журналистика соҳасидаги дастлабки ишлари билан эл оғзига тушган Асил Мансур 1937 йилнинг шундай бегуноҳ қурбонларидан биридир.



1912 йили отаси вафот этганида Асил ҳали 8 ёшга тўлмаган эди. Орадан бир-икки йил ўтмай, онаси ҳам бандаликни бажо келтирди. Уч қиз ва бир ўғил қип-қизил етим бўлиб қолди. Улар отадан мерос бўлиб қолган уч таноб ерни ўзаро бўлиб яшашга мажбур бўлдилар. Асил ернинг ўзига тегишли қисмини сотиб, дастлаб Фахриддин, кейин Муҳиддин исмли амакиларининг қўлида тарбияла бошлади. Ниҳоят, 1918-1919 йилларда маҳаллий йирик сармоядорлардан бири, маърифатпарвар Ғафурхўжа Саидов Асилни ўз паноҳига олди.

Асил 1914-1915 йилларда Дадамирза Шайхов мудирлик қилган жадид мактабида икки йил сабоқ чиқарди. У амакиси Ғафурхўжа Саидовнинг қарамоғига ўтганидан кейин унинг қаршисида катта имкониятлар очилди. У 1919 йили "Нашри маориф" жамияти Наманган шаҳар бўлимининг муассисларидан бири бўлган амакисининг ёрдамида Тошкентга ўқишга келиб, 15 нафар ёш йигит ва қизлар билан бирга Тошкентдаги Маориф институтида уч йил давомида таҳсил кўрди. 1922 йили эса "Нашри маориф" жамияти Наманган бўлимининг саъй-ҳаракати билан Асқар Раҳмонов, Холқўзиев, Абдуваҳоб Ҳамроқулов, Усмон Аминов, Ҳошим Сатторов, Мамажон Мўминов ва бошқа тенгдошлари билан бирга Москвага бориб, Калинин номидаги ишчилар факультетига ўқишга кирди. 1925 йили ишчилар факультетини муваффақият билан тугатган Асил Мансуров Плеханов номидаги машҳур Халқ хўжалиги институтида олий таълим олишга киришди. Аммо бор-йўғи беш ойгина ўқигач, сил хасталигига йўлиққан талаба Наманганга қайтишга мажбур бўлди.

Асил Мансуров Наманганга қайтиши билан Наманган тумани маориф бўлимида хизмат қила бошлайди. Ўша йилларда ёш мутахассисларга эҳтиёж ғоят катта бўлгани сабабли уни бир жойдан иккинчи жойга, бир соҳадан бошқа соҳага мунтазам равишда юбориб туришади. У 1927 йилдан 1937 йилга қадар кечган ўн йиллик муддатда Наманган шаҳар советида масъул котиб, ўқитувчи, тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, Андижон округ ижроия қўмитасида масъул котиб, Норин туманида тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, "Марғилон ҳақиқати" ва "Пахта фронти" (Андижон) газеталарида масъул муҳаррир, Наманган шаҳар раҳбар ходимларни тайёрлаш мактабида директор лавозимларида ҳалол хизмат қилади. Ниҳоят, 1936 йилнинг август ойида Наманган шаҳар совети ва шаҳар ижроия қўмитасининг "Ударник" газетасига масъул муҳаррир этиб тайинланади.

Асил Мансуров қисқа муддатда таҳририятдаги меҳнат интизоми ва иш услубини кескин ўзгартириб, газетани Наманган шаҳри ҳамда вилоятидаги ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг ёрқин кўзгусига айлантиради. Таниқли шоир ва журналистлардан иборат муаллифлар гуруҳини тузиб, Наманганда кечаётган жўшқин ҳаёт ва меҳнат жараёнини газета саҳифаларида акс эттиришга завқ-шавқ билан киришади. Ўзи ҳам "Асил Мансур" тахаллуси остида шу давр руҳи билан тўйинган шеърлар ёзади.

Одатда шаҳар ёки вилоят миқёсида бирор тадбир ўтказиладиган бўлса, шу шаҳар ёки вилоят газетаси муҳаррирининг бу тадбирдан четда туриши асло мумкин эмас. 1937 йилнинг январь ойида Наманган шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган тадбир фақат шаҳарга эмас, балки республика аҳамиятига молик воқеа эди. Ўзбекистон стахоновчи-колхозчилари республика слётининг Наманганда ўтказилиши "гуллар шаҳри" ҳаётида муҳим воқеа бўлажаги туфайли бу тадбирнинг ўтказилишига шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Муҳиддин Эрматов шахсан раҳбарлик қилади. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган бўлимига маҳаллий шоирларнинг слётга бағишланган шеърлар тўпламини

> *Чамаси, ўзбек диёрининг чор ҳокимияти давридаги бундай мунгли тасвири, унинг инглиз мустамлакачилари зулми остида эзилган Ҳиндистонга муқояса қилиниши кимнингдир "қитиқ пати"га теккан.*

тайёрлаб, нашр этиш ва уни слёт қатнашчиларига совға сифатида тарқатиш вазифасини топширади.. "Ударник" газетасининг масъул муҳаррири Асил Мансур "Ғалаба" деб номланган мазкур тўпламнинг таҳрир ҳайъатига раис этиб тайинланади.

1937 йил январь ойи бошларида тўпламнинг "сигнал" нусхаси тайёр бўлади. Наманган шоирларининг бу совғаси слёт қатнашчиларида яхши таассурот қолдиради. Асил Мансур тўпламни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб бергани учун шаҳар раҳбариятининг самимий миннатдорчилик сўзларини эшитишга муяссар бўлади.

Бироқ орадан кўп ўтмай, Наманганда "қама-қама" васвасаси авж олиб кетади. Биринчилардан бўлиб шоир Рафиқ Мўмин ҳибсга олинади. Кимдир слёт қатнашчиларига тарқатилган тўпламда унинг бир эмас, балки уч шеърининг босилганига жамоатчилик эътиборини қаратади. Айниқса, "Ўлка гуллаганда" деган шеърнинг босилиши "Ударник" газетаси муҳаррирининг катта сиёсий хатоси сифатида баҳоланади.

Тўпламдаги барча шеърлар шўро давлати раҳбарларини, илғор пахтакорлар ва теримчи ёшларни олқишлашга қаратилган бўлиб, "Ўлка гуллаганда"нинг улардан фарқланувчи бирор хусусияти бўлмаган. Узундан-узоқ бу шеър шундай сатрлар билан бошланган эди:

Қўл-оёғи Ҳиндистондай
боғланғон,
Бели букри, бўйни қилдай
қаралғон,
Оғир юкда суяк қолган,
олайғон,
Очлик юки билан ҳорган,
сулайғон,
Шарақ-шуруқ кишанларга
ўралғон,
Қамчин ўйнар
қобирғада-елкада,
Қора булут ўйнар эди ўлкада...

Чамаси, ўзбек диёрининг чор ҳокимияти давридаги бундай мунгли тасвири, унинг инглиз мустамлакачилари зулми остида эзилган Ҳиндистонга муқояса қилиниши кимнингдир "қитиқ пати"га теккан.

Биз юқорида Асил Мансурнинг унча-мунча шеърлар ёзганини айтиб ўтган эдик. Афсуски, Наманган шаҳар газетасининг 1936-1937 йиллардаги тахламлари пойтахт кутубхоналарида бўлмагани сабабли биз унинг мазкур нашрда эълон қилинган шеърлари хусусида фикр юрита олмадик. Аммо унинг "Олқиш" деб номланган бир шеъри бояги "Ғалаба" тўпламидан жой олган. Мамлакатимизнинг ўша йиллардаги раҳбарларидан бирига бағишланган бу шеърда қуйидагидек сатрлар бор:

...Кеча-кундуз чарчамасдан
ишладинг сен, қаҳрамон,
Чин тилак, мақсад эгаси,
доимо бўл сен омон,
Тарихимиз мақтанар номинг-ла
бирдек ҳар замон,
Пахтанинг бош агрономи
сенга ҳурматли салом...

Янги йўл, янги ҳаётни порлатиб,
равшан юзинг,
Ишчи-колхозчи турмушин тўқлик
сари элтдинг ўзинг,
Кўпчилик бахтин фаровон
айлади ўткир сўзинг,
Пахтамизнинг агрономи,
сенга ҳурмат ва салом...

Биз сафарбар атрофингда,
биз ҳамон кучли билак,
Сен билан доим бўлурмиз,
сен ва бизлар — соф юрак,
Кўкрагингда у нишон кўп
порлагай — биздан тилак,
Пахтамизнинг агрономи,
сенга ҳурмат ва салом...

Бу шеърда 30-йиллар шеърияти руҳидаги кўтаринки-романтик бўёқлар устуворлик қилади. Бироқ шу нарса муҳимки, барча шоирлар "халқлар доҳийси"ни якдиллик билан улуғлаётган бир даврда мазкур сатрлар муаллифи ўз юртига раҳбарлик қилган кишилардан бири — "пахтамиз агрономи" шарафига олқиш сўзларини айтган. Бу, эътиборга молик ҳодисалардан бўлса, ажаб эмас.

Агар Асил Мансур 37-йил тегирмонидан омон қолганида, балки яхшигина шоир ёки журналист бўлиб улғайган, ўз асарлари билан ўзбек адабиёти ва журналистикаси тарихида маълум из қолдирган бўлармиди?.. Аммо мудҳиш даврнинг темир қўллари уни 1937 йил 28 майда маҳкам ушлаб олиб, ўша йилнинг 2 декабрида бўғиб ташлади.

Истеъдодли шоир ва журналист Асил Мансур ёруғ дунёни тарк этганида рафиқаси Шарофатхон Мансурова эндигина 25 ёшга тўлган, Ҳақиқат деб аталган фарзанди эса 4 ойлик чақалоқ эди. Агар Ҳақиқат ҳозир ҳаёт бўлса, билсинки, унинг отаси нафақат яхшигина шоир ва журналист, балки камтар, олижаноб ва эл-юрт ишига камарбаста ажойиб инсонлардан бири эди.

Наим КАРИМОВ

ДАРАКЛАР

ЯШИРИН ҚАМОҚХОНА БОРМИДИ?



Европа Кенгаши парламент ассамблеяси вакили АҚШнинг яширинча қамоқхоналари ҳақида гапириб, бундай қамоқхона 2005 йилга қадар Литвада ҳам бўлганини таъкидлади ва Болтиқбўйи мамлакати ҳукуматидан тушунтириш ҳамда текширув ўтказишни талаб қилди. АҚШнинг ABC телеканали ҳам ўз кўрсатувида Вильнюс яқинидаги қамоқхонада Афғонистон ва бошқа мамлакатларда қўлга олинган саккиз нафар "Ал Қоида" вакили ушлаб турилгани ҳақидаги хабарни тарқатди. Телеканал хабарида қайд этилишича, ўша вақтда ҳақиқатан ҳам МРБ самолётлари бир неча бор Вильнюс аэропортига келиб қўнган.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси матбуот котиби Иэн Келли қамоқхона ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини маълум қилди. Бу иш разведка билан боғлиқ, деди у.

Литванинг собиқ президенти Валдас Адамкус бу хабарни эшитиб ҳайрон қолганини яширмади. У бу хабарни афсона ёки иғво, дея баҳолади.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ




Греция пойтахти Афинага яқин жой — Шарқий Аттика префектурасида бир неча кундан буён ёнғинлар давом этмоқда. Шунинг учун ушбу ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Аҳолининг айрим қисми хавфсиз жойларга кўчирилди.

Хабарларга қараганда, ёнғинга қарши курашга 12 та самолёт, 9 та вертолёт, 40 дан кўпроқ автомашиналар, шунингдек, ҳарбий аскарлар жалб этилган.

РИА Новости мухбирининг қайд этишича, аҳоли пунктлари ўрмонлар ичида жойлашгани учун ёнғин қишлоқларни ҳам қамраб олаяпти. Бу эса қутқарув ишларини қийинлаштирмоқда. Ўт ўчириш хизмати ходимлари маҳаллий телевидение орқали чиқиш қилиб, аҳолини ҳушёрликка чақирди. Сўнгги хабарларга қараганда, кеча мамлакатнинг Эгей денгизидаги Эвбей ва Скирос оролларида ҳам ёнғин бошланган.

МУНОСАБАТЛАР ИЛИҚЛАШМОҚДА



Сўнгги икки йилда биринчи марта икки корейс давлати вакиллари вазирлар миқёсида музокаралар ўтказди. Якшанба куни Жанубий Корея Республикасининг қўшилиш бўйича вазири Хен Ин Тхэк Шимолий кореялик ҳамкасби Ким Ян Гонни қабул қилди. "Ренхап" агентлиги хабарига қараганда, пхеньянлик меҳмонлар Жанубий Корея президенти Ли Мен Бак билан ҳам учрашиш ниятидалар.

Шимолий Корея делегацияси Корея Республикасининг собиқ президенти, Тинчлик учун Нобель мукофоти совриндори Ким Де Жуннинг дафн маросимида иштирок этиш учун келган эди.

Хен Ин Тхэк журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда расмий Пхеньян Сеул билан муносабатларни яхшилаш тарафдори эканини таъкидлади. Хабарларга қараганда, икки вазир учрашуви 80 дақиқа давом этган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Жанубий Корея Республикаси ва АҚШ қўшинлари биргаликда машқлар ўтказгани учун Шимолий Корея раҳбарлари қатъий норозилик билдиришганди.

ИҒВОГАРЛИК ДЕБ БАҲОЛАДИ



Словакия ҳукумати қўшни Венгрия давлати президенти Ласло Шойомнинг мамлакатга келишини таъқиқлади. Ушбу масала ҳукумат миқёсида қабул қилинганини кеча Словакия бош вазири Роберт Фицо маълум қилди.

Ласло Шайом норасмий равишда Словакиянинг жанубида жойлашган Комарно шаҳрида Авлиё Иштванга ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимида қатнашмоқчи эди. 1918 йилгача Авлиё Иштван Венгрия қироллигининг ҳомийси ҳисобланган. Ўша пайтда Словакия Венгрия қироллиги таркибида бўлган.

Словакия ҳукумати Венгрия президентининг бу ҳаракатини иғвогарлик деб баҳолади. Сўнгги пайтларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар совуқлашиб бормоқда. Братислава ва Будапешт бир-бирини ўз ҳудудларида яшаётган словаклар ва венгерлар ҳуқуқларини поймол қилаётганликда айбламоқда.

ЧИЛАНГАРНИНГ ХУРМАЧА ҚИЛИҒИ

Германиянинг Фирнхайм шаҳарчасида яшовчи чилангар Юрген К. бутун шаҳар полициясини оёққа турғазди. Гап шундаки, у шаҳарчадаги икки хонадонда таъмирлаш ишлари олиб борган, лекин вақтида иш ҳақини ундиролмаган эди. Оқибатда чилангар ўзи яшаётган уй учун ҳақ тўлай олмади. Уй эгаси эса ундан уйдан чиқишини талаб қилди. Шунда чилангар қарздорлардан ўз аламини бошқача йўл билан олмоқчи бўлди. У уйида қўлбола портловчи модда ясаб, қарздорларнинг уйини портлатишга қарор қилди. Чилангар биринчи қарздорнинг уйига бомба ташлаганда, бахтга қарши уйда ҳеч ким йўқ экан. Иккинчи хонадонда эса ҳақиқий фожиа содир бўлишига бир баҳя қолди. Уйига бомба тушганини кўрган хонадон соҳиби 31 ёшли турмуш ўртоғи, 9 ёшли ўғли ва 7 ёшли қизи билан ўзларини деразадан отишди. Натижада эру-хотиннинг қўли синди.



Юрген К. полицияга бир неча соат қаршилик қилди-да, кейин таслим бўлди. Ҳозирда бу иш бўйича тергов ишлари бошланди.

МАРОСИМ ЯНА КЕЧИКТИРИЛДИ



Поп мусиқа қироли Майкл Жексоннинг дафн маросими 29 августдан 3 сентябрга кўчирилди. Бу ҳақда марҳумнинг қариндошлари гапларига асосланиб, SkyNews хабар тарқатди. Қўшиқчи билан хайрлашув маросими Лос-Анжелесдаги Forest Lawn қабристонининг катта мавзолейида бўлиб ўтади.

ТАФСИЛОТ

ГЛОБАЛ МУАММО

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳар йили дунё аҳолисининг 13 фоизи, яъни 800 миллион нафар одам тўйиб овқат емайди. Очликдан асосан Африка ва Осиё қитъасидаги қашшоқ давлатлар аҳолиси озор чекмоқда. Озиқ-овқат етишмаслиги туфайли болаларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани халқаро ташкилотларни, айниқса, ташвишлантирмоқда. ЮНИСЕФ маълумотларида айтилишича, Африкада очлик ва етарли тиббий ёрдам кўрсатилмаётгани туфайли ҳар куни 10 минг нафар бола нобуд бўлаяпти.



Экспертларнинг хулосасига қараганда, очарчилик келиб чиқишининг бир қанча сабаблари бор. Аввало, кўплаб мамлакатларда турли тўқнашувлар ва урушлар туфайли экин майдонлари қаровсиз қолмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш масаласига етарлича эътибор берилмаяпти. Масалан, 1950 йили дунё бўйича 80 миллион гектар ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экилган бўлса, бугунги кунда бундай майдонлар 270 миллион гектарга етди. Бошқача қилиб айтганда, янги ерларни ўзлаштириш 3,5 бараварга кўпайди. Лекин маҳсулот етиштириш бор-йўғи 1,6 фоизга ошди, холос.

Очарчилик келиб чиқишининг иккинчи сабаби — глобал исиш туфайли кўпгина давлатларда юз берган қурғоқчиликдир. Ҳозирда Ангола, Бурунди, Мозамбик, Конго, Эритрея, Эфиопия, Гвинея-Биссау, Кения, Либерия, Мавритания, Руанда, Сьерра-Леоне, Сомали, Судан, Танзания, Уганда, Шимолий Корея, Афғонистон ва Покистон каби мамлакатлар қурғоқчиликдан катта зарар кўрмоқда.

Сўнгги эллик йилда дунё аҳолиси, айниқса, қора қитъа ва Осиё аҳолиси шиддат билан кўпайиб бормоқда. Лекин бу мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари, дон етиштириш аҳоли кўпайишидан ортда қолаяпти. Масалан, дунёдаги энг камбағал мамлакатлардан бири Мозамбик аҳолиси 2050 йилга бориб 177 миллион кишини ташкил этади. Бу Европадаги энг ривожланган давлатлар Франция, Германия, Бельгия, Голландия ва Люксембург аҳолисини биргаликда қўшиб ҳисоблагандан ҳам кўпдир. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса умуман кўпаяётгани йўқ. Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, очарчилик келиб чиқишининг учинчи сабаби — жаҳон аҳолисининг тезлик билан кўпайиб бораётгани ва аҳоли сони ўсишининг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга мос келмаётганидир.

Жорий йил бошида ЮНИСЕФ аянчли бир хабарни тарқатди. Унда айтилишича, ҳар йили дунё бўйича беш ёшга етмаган 11 миллион бола оламдан ўтмоқда. Бунинг сабаби очликдир. ЮНИСЕФ экспертлари қўшимча 80 миллиард доллар маблағ бўлса, дунёдаги очарчиликнинг олдини олиш, болалар ўлимини тўхтатиш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мумкинлигини айтишмоқда. Аммо бунча маблағни қаердан топиш керак? Бу савол ҳозирча жавобсиз турибди.

Албатта, айрим бой давлатлар учун 80 миллиард доллар унчалик катта маблағ эмас. Лекин улар бу пулни бекордан-бекорга беришни исташмайди. Айрим давлатлар раҳбарлари буни очиқдан-очиқ айтишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, очарчилик ҳукм сураётган мамлакатларда, биринчи навбатда, туғишни чеклаш лозим.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардик. Бугун нон ва озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслигидан миллионлаб одамлар ҳаётдан кўз юмаётган пайтда, ушбу маҳсулотлар баҳоси пасайиб кетишининг олдини олиш баҳонасида ривожланган мамлакатларда минглаб тонна дон ва нон маҳсулотлари йўқ қилиб ташланаяпти.

Непал, Бангладеш, Афғонистон ва Покистон ҳозирги пайтда Осиёдаги энг камбағал мамлакатлар ҳисобланишади. Жаҳон иқтисодий инқирози Ҳиндистонга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳиндистонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бугунги кунда Жанубий Осиёдаги 1,2 миллиард аҳоли бир кунда икки доллардан кам ҳақ олаяпти. Бу уларнинг очликда кун кечираётганидан далолат, албатта.

Ривожланган бой мамлакатлар бу ҳолга кузатувчи сифатида қараб турибди, деб бўлмайди. Аммо имконияти бўлган ҳолда ҳам кераклича ёрдам беришга шошилишмаяпти. БМТ маълумотларига қараганда, ҳозирги пайтда энг қийин шароитда яшаётган халқларга ёрдам бериш учун 4,8 миллиард доллар зарур. Лекин бу пулни ҳеч ким бермоқчи эмас. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтишимиз лозим. Африкада очарчиликни бошидан кечираётган кўплаб одамлар Европага интилмоқдалар. Бу эса кўҳна қитъа аҳолисида норозилик уйғотаётир. Шу жараённинг олдини олиш учун ҳам бугун Европа очларга ёрдам беришга интилаяпти. Лекин бу ҳаракат дунёдаги очлик муаммосини ҳал этиш учун етарли эмас.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.


ДИЛ СЎЗЛАРИ

ТИФ Миллий банкнинг Сирдарё вилояти филиали жамоаси



барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг **18 йиллиги** *ҳамда жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг қутлуғ* **2200 ёши** *билан самимий муборакбод этади.*


Юртдошларимизга бахт-саодат, ишларига ва умрларига барака тилайди!




18 YIL

"АКБАРШОҲ БОЙСУНИЙ" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

халқимизни Ватанимиз Истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи билан муборакбод этади. Республикамиз аҳолининг хонадонларидан тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва қут-барака аримасин. Байрамларингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!



«СУРХОНПАХТАСАНОАТ» БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ



мамлакатимиз фуқароларини мўътабар юртимиз озодлигининг 18 ЙИЛЛИГИ ва қадимий ҳамда ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 ЙИЛЛИК шодиёналари билан табриклайди.

Азиз ватандошлар, Сизларни шодлик ва қувонч, мустаҳкам соғлик ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимизнинг мусаффо осмони ҳамиша тинч ва осуда бўлсин.



Бухоро омухта ем сотиш бирлашмаси аҳли

юртдошларимизни қўшалоқ байрам — Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 ёши муносабати билан табриклайди. Барчангизнинг хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, қут-барака аримасин. Мустақиллигимиз боқий бўлсин!



Жиззах шаҳар акушерлик мажмуаси

барча ҳамюртларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг навқирон ўн саккиз ёши ва гўзал Тошкентнинг 2200 йиллиги билан муборакбод этади. Фарзандларимиз соғлом, ҳаётимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Қашқадарё вилоят "Яккабоғқишлоқхўжаликкимё" корхонаси жамоаси

юртдошларимизни жонажон ватанимизнинг Энг улуғ, энг азиз шодиёнаси — Мустақиллик байрами билан қизғин қутлайди.



Юртимиздан шоду хуррамлик аримасин, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин.




"ТЕРМИЗ НЕФТБАЗА" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ватанимизда истиқомат қилаётган барча инсонларни жонажон Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи муносабати билан чин қалбдан табриклайди.

Демократик жамият қуриш ниятида катта ишлар амалга оширилаётган юртимизда бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари янада кенг қулоч ёяверсин.





«Жиззахшаҳаргаз» корхонаси жамоаси

ватандошларимизни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлол айёми ҳамда қўҳна ва муаззам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шодиёналари билан самимий табриклайди.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!
Жонажон шаҳримиз янада гуллаб-яшнайверсин.

БОЙСУН ТУМАНИДАГИ ДАВЛАТ 10-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ


озод ва обод Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда бунёдкорлик тимсоли бўлган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи муносабати билан озод диёримизда яшаётган инсонларни табриклайди.
Қадрли дўстлар, омад ва бахт доим сизга ёр бўлсин!




Янгибозор туманидаги "Шоҳижаҳон Султонбой" фермер хўжалиги аҳли

юртдошларимизни, шу жумладан, мамлакатимиздаги барча тадбиркор ва фермерларни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан муборакбод этиб,

мустаҳкам соғлик, омонлик тилайди.





АТ "АСАКА БАНК"ИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Истиқлолнинг 18 йиллиги ҳамда бош кентимиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан қизғин муборакбод этади.


Ҳар биримизнинг хонадонимиздан тотувлик, бахт ва қут-барака аримасин. Халқимизга меҳр-мурувват, тинчлик-хотиржамлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Байрамларингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Барчамизга Истиқлол айёми муборак бўлсин!

ИЗҲОР


ДАТ Халқ банкининг Бойсун туман филиали жамоаси




халқимизни
Энг улуғ, энг азиз
байрамимиз —
Мустақиллигимизнинг
18 йиллиги
билан чин юракдан
табриклайди.
Истиқлолимиз
абадий бўлсин!

Ғаллаорол туман ҳокимлиги ва туман газ корхонаси жамоалари

Сизларни Ватанимиз мустақилликка эришган кун ва азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 ёши билан самимий қутлайди. Озод юртимизнинг кўркига кўз тегмасин!






1-сонли Нукус тиббиёт коллежи жамоаси




азиз Ватанимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг қутлуғ 18 йиллиги ва жондан азиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан барча юртдошларимизни чин дилдан табриклайди. Бахту саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин!





ООО "SURHAN MED COTTON" номли Омонхона маъданли ичимлик суви қадоқлаш хусусий корхонаси жамоаси

кўп миллатли она юртимиз халқини байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Истиқлолнинг 18 йиллиги ва жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи тантаналари билан қизғин муборакбод этади. Фуқароларимизнинг фаолиятларига ривож, ўзларига соғлик-саломатлик тилайди.



AGROBANK

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Хоразм вилоят бошқармаси жамоаси

республикамиздаги ҳамкасбларини,
барча юртдошларимизни
Энг улуғ, энг азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан
самимий қутлайди.
Ҳар бир юртдошимизнинг бадавлат бўлиб,
омонатларини халқ банкларида сақлаб,
кўпайтиришларига тилакдошмиз.

БОЙСУН ТУМАН ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

республикамиз фуқароларини
Истиқлолнинг ўн саккиз йиллиги ва
пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги билан қутлайди.
Азизлар, оилангиздан тинчлик-тотувлик,
дастурхонингиздан қут-барака аримасин!

АКС-САДО

Ижодкорнинг жим юришга ҳаққи йўқ

(Ёзувчи Нусрат Раҳматга хат)

"Hurriyat" газетасининг 2009 йил 29 июль сонида эълон қилинган "Адабий орзулар оғушида" номли мақолангизни ўқидим. У куюнчаклик, сезгирлик, очиқ фикрлилик билан ёзилган. Ўзбек миллий адабиёти нега жаҳон узра қанот ёзолмаяпти? Ана шу оғриқли савол ва ўйга жавоб қидирибсиз.

Орзуингизни англадим, албатта. Дадил, асосли фикрларингиз қўлимга қалам олишга даъват этди. Баъзиларнинг ёзувчилик, ижодкорлик мақомини фақат шеър, ҳикоя , умуман бирор бадиий асар ёзиш деб тушунишига ҳайрон қоламан. Фикримча, ижодкорлик кенг қамровли тушунча. Бирор киши 2-3 та саргузашт қисса ёзгани билан ёки 2-3 та пиёз пўстидеккина китобча нашр эттиргани билан шоир, ёзувчи бўлиб қолмайди. Уни ўқувчи, китобхон тан олиши керак. Айрим ўзини "даҳо" санайдиган шоир ё ёзувчини китобхон яхши танимайди. Аммо шундай бўлса-да, у адабиётшунослар "назар"ига тушади. Унинг ижоди ҳақида катта-катта мақолалар битилади. Бошдан оёқ мақтов, қусурлари ҳақида заррача гап йўқ. Яхши экан, унда нега китобхон тан олмаяпти?

Мақолангизда ёзувчилар, шоирлар кам китоб ўқийди, деб ёзибсиз. Бу ҳақиқат. Юртимизда "Жаҳон адабиёти" журнали бор. Унинг саҳифасидан жой олган асарларнинг яна 500 йил ўтса-да, қадри заррача пасаймаслигига шубҳам йўқ. Энди бир ўйлаб кўрайлик: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бугунги кунда адашмасам 700 га яқин аъзоси бор. Журнал адади эса минг ёки бир минг бир юзтадан ошмаяпти. Бизнинг Бўз туманида аччиқ ҳақиқат шуки, ноқулай бўлса-да айтай, 10 йилдан буён ушбу журналнинг атиги иккита обуначиси бор. Ваҳоланки, туманимизда 20 га яқин ёзувчилик, шоирликни даъво қиладиганлар бор. Бундай аҳволни бошқа жойларда ҳам кузатиш мумкин. Ўқимайдиган "ижодкор"ларнинг дастидан "Шарқ юлдузи" журнали ҳам танг аҳволга тушиб турибди.


АДАБИЙ ОРЗУЛАР ОҒУШИДА

Қисса ёзаётган ёзувчи акалар Киршан Чандр, Лайло Усмон, Жуброн Халил каби ёзувчиларнинг асарлари билан таниш бўлганда, уларни ўқиганда, балки ўзларига талабчанроқ бўлиб сабоқ чиқаришармиди?..

Мен айрим ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги фаоллигига ҳам тан бергим келмайди. Айни кунларда жамиятимиздаги йирик ижобий ўзгаришлар моҳияти теран таҳлил қилинган публицистик мақолалар нега йўқ? Албатта, элимизнинг таниқли ижодкорлари — Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Фарҳод Мусажонов, Тўлан Низом каби адиблар яхши асарлар ёзишмоқда. Лекин бошқа адибларнинг зўр асарлари, боя айтганимдек қайноқ мақолалари нега кўзга ташланмаётир?

Ёзувчилар уюшмаси аъзолиги низомини қайта кўриш керак, деган фикрингизга ҳам қўшиламан. Аъзоликка қабул қилиш ёши 50 гача деб белгиланса фойдадан холи бўлмасди. Яна аъзоликка қабул қилишда номзоднинг ижтимоий, сиёсий савияси, ёзаётган публицистик мақолалари ҳам ҳисобга олиниши лозим, деб ўйлайман. Шунда тасодифий аъзоликка тўсиқ қўйилади.

Назаримда, бугунги кунда ижодкорнинг жим юришга ҳаққи йўқ. У матбуотдаги чақмоқдек чиқишлари билан одамлар диққат марказида бўлиши керак. Жамиятимизда "ёзаман" дейдиган ижодкор учун эса долзарб мавзулар жуда кўп.

Тўйчибой МАМАСОЛИЕВ
Андижон вилояти.

"МИКРОКРЕДИТБАНК"

очиқ акциядорлик тижорат банки

MIKROKREDITBANK



барча юртдошларимизни
Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – мамлакатимиз
Мустақиллигининг 18 ЙИЛЛИГИ ҳамда муаззам пойтахтимиз
Тошкент шаҳрининг 2200 ЙИЛЛИГИ билан самимий
табриклайди!

Ҳурматли юртдошлар!

Ушбу шукуҳли кунлар арафасида "Микрокредитбанк" замонавий банк хизматларидан бири – пластик карточкалардан фойдаланишни таклиф этади!

"Микрокредитбанк"– пластик карточкалари – маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компаниялари ва ҳатто метрополитенда тўловларни амалга ошириш, шунингдек, савдо шохобчаларидан турли кундалик эҳтиёж моллари харид қилишда ҳам қулай тўлов воситасидир.

18 YIL

"МИКРОКРЕДИТБАНК" пластик карточкалари – бу:

— сизни кўп миқдордаги нақд пулни кўтариб юриш ташвишидан халос этади;

— ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларида нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади;

— пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради;

— пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин;


— пластик карточкалар йўқолганда, қолдиқ маблағларингиз янгисига ўтказиб берилади.


"МИКРОКРЕДИТБАНК" пластик карточкаларидан фойдаланинг!

Хизматлар лицензияланган.

Сурхондарё электр тармоқлари ОТАЖ бошқаруви


Сиз азизларни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи билан табриклайди. Қадрли ватандошлар, доимо йўлингиз ёруғ, хонадонларингиз чароғон бўлсин.





Ғиждувон машина-трактор парки жамоаси

ватандошларимизни Мустақиллик байрами ҳамда қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан қутлайди. Озод ва ҳур диёримиз доимо обод ва тинч бўлсин.



Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари жамоаси

буюк байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги ва барчамизга азиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан келажаги буюк Ватанимиз фуқароларини қизғин қутлайди.

Мамлакатимиз равнақи йўлида сизларга янги зафарлар, юксак парвозлар эш бўлаверсин!

ИЖОДКОР УСТАХОНАСИДА

Ҳайкалларда миллат руҳияти мужассам

Назаримизда инсон руҳиятини ҳеч ким ҳайкалтарошчалик теран ва ишончли тасвирлай олмаса керак. Фақат ушбу соҳа эгаларининг асарларигина қуёшли ва ёғин-сочинли кунларда ҳам очиқ майдонларда одамларни матонатга, жасурликка ундай олади. Шундай экан, бу хазиналар халқимизнинг бебаҳо мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган санъат асарлари юртимизнинг турли гўшаларига ўзига хос маҳобат бағишлаб турганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Айниқса, пойтахтимиз Тошкентда ўрнатилган Мотамсаро она, Бахтиёр она, Амир Темур ҳайкаллари қошига келиб, ҳайратга тушмаган ватандошимиз ё хорижлик бўлмаса керак. Ҳайкалтарошнинг ақли шууридан яралган бу қиёфалар, қоматлар оддий лойдан ёки жонсиз металлардан тайёрланган, албатта. Аммо улар қиёсий маънода тирик, ҳаракатда ва ботиний кучга эгадек гўё. Бундай романтик руҳ ўз бағрига неча йиллик даврларнинг тарихини, замонлар чархини айлантирган инсонлар тақдирини, эл бошидан кечган зафарли ва мағлубиятли кунлар, юксалиш ва таназзулларни ибратли тасвирларда зоҳир этади. Ички туйғу, беқиёс туғён, қалб ҳарорати, Ватанга, халққа муҳаббат, ҳиссиёт... буларнинг барчаси Илҳом Жабборов асарларининг ҳар бир нуқтасида, шунингдек, умумий қиёфасида жо бўлган. Буни тушуниш ҳисси эса юксак маънавиятни, гўзалликни қадрлашни тақозо қилади.

Тарих жуда қизиқ ва мураккаб жараён. Уни ўрганиш эса инсондан матонат, сабр-қаноатни талаб этади. Ижодкор устахонасига бориб, ҳайкалтарошлик ишлари билан танишганимизда, у йирик мавзуларга қўл уришдан олдин кўплаб тарихий манбаларни ўрганиб, яратадиган образини олдиндан теран ҳис этгач, ишни бошлашига гувоҳ бўлдик. Бу эса унинг юксак тафаккур соҳиби эканини кўрсатади.

– Ҳайкалтарошлик ҳамиша миллат маданияти ва маънавиятининг кўзгуси бўлиб келган. Шундай бўлиши ҳам керак, деб ўйлайман. Биз қайси мамлакатга бормайлик, аввало, шаҳарлардаги ҳайкалларга қараб, ўша халқнинг маънавиятига баҳо берамиз. Бизнинг Ўзбекистонимиз ҳам ўзининг маънавияти ва бой мероси билан жаҳон халқлари орасида етакчи ўринда туради, – дейди Илҳом Жабборов. – Мустақилликка эришгач, ўз Ватанимиз тарихини билиш бахтига муяссар бўлдик. Идрок этиш асносида соҳибқирон Амир Темурдек улуғ зотни, озодлик учун жон фидо этган юрт халоскорлари – Жалолиддин Мангуберди, Спитамен ҳамда ал-Фарғоний каби қанчадан-қанча улуғ алломаларнинг маънавий мероси орқали уларнинг шахсиятини ҳам ўргандик. Бу ҳурриятнинг бизга инъом этган энг улуғ неъматларидан биридир.



Мустақиллик майдонидаги «Бахтиёр Она» ҳайкали

Мустабид тузумда байраму сайлларда юртимизнинг турли гўшаларида ўрнатилган беш-олтита милтиқ кўтариб турган аскарларнинг ёки қизил империянинг ҳушёрликка даъват этувчи 5-10 метр баландликдаги ҳайкаллари пойига гуллар қўярдик. Буларни ҳам ўзга юртларнинг ҳайкалтарошлари келиб ўрнатишарди. Бугун эса шаҳарларимиз ўз миллий қаҳрамонларимиз ҳайкаллари ҳисобига янада кўркамлашди. Ота-боболаримизнинг руҳи шод бўлди.

Дарҳақиқат, истиқлол шарофати ила ҳалқимизнинг руҳиятига ёт бўлган ҳайкаллардан воз кечилди. Илгари зулм-зўравонлик билан одамларни қўрқитиш учун танклар ўрмалаган, ракеталар кўз-кўз қилинган майдонлар бугун зиёратгоҳга айлангани қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Юртбошимизнинг ташаббуси ва ғоялари билан юртимизда ўрнатилган Мотамсаро она ҳайкали қошига эса келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди.

– Болалигимда рангтасвирчи бўламан, деб орзу қилгандим. Институтга ўқишга киргач, ҳайкалтарош бўлишга аҳд қилганман. Онам 13 фарзанд кўрган. Уруш йиллари боис фарзандларни боқиб, тарбиялаш ёлғиз ўзининг зиммасига тушган. Катта акамни 17 ёшида урушга кузатгани, кейин ундан қора хат келганида волидамнинг чеккан изтиробларини ҳалигача хаёлимдан кетмайди. Далада ёзни-ёз, қишни-қиш демай меҳнат қилган меҳрибонимнинг қадоқ қўлларини, қуёшда қорайган юзини, урушдан қайтмаган акаларимнинг доғида куйган қалб кечинмалари-ю, чексиз ғам-андуҳга ботган кўзлари тубидаги изтиробларни ҳалигача юрагимни эзади. Матомсаро она ҳайкали ҳам шу каби оҳу фарёдлар, нолаю, фиғонлар, мотам ва надоматлар тимсоли. Шўрлик оналар, ака-сингиллар, ёру биродарларнинг соғинч доғидан яралган асардир бу, – дейди ҳайкалтарош.

Санъаткор мазкур асарда қаҳрамон кўзларини яхлит кесма тарзда, чуқур ўйимтиқ ҳолатда ифодалайди. Онанинг ғамгин кўзлари ва маънодорлиги кишини ҳайратга солади. Қадимги ҳайкалтарошлар инсон кўз қорачиқлари ўрингa қимматбаҳо тош қадалишини ҳисобга олиб чуқурроқ олишган. Илҳом Жабборов эса қимматбаҳо тошлар қадамаган ҳолда кўз қорачиқларини таъсирли ифодалашнинг йўлини топишга муваффақ бўлган. Шунданми, унинг ҳар бир асари халқчиллик руҳи билан йўғрилган. Масалан, Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали, Мустақиллик майдонидаги Бахтиёр она сиймоси — ҳар икки рамзларда ҳам буюк ҳикматлар яширингандек.

Баъзан кўнглим бўшаб, нималардандир қониқмай қолган пайтларимда шаҳар кезаман. Тошкентнинг энг кўркам, серфайз гўшаларидан бири – Амир Темур хиёбонига бориб, Соҳибқирон бобомизнинг маҳобатли ҳайкали қаршисида соатлаб тураман. Бунда олис ўтмиш, улуғ амир қиёфасидан ташқари мураккаб даврнинг моҳияти, маданияти ифода этилгандек... Қайсидир даражада ҳайкалтарошнинг мулоҳазалари, орзу-умидлари, дардларининг ҳам аксини кўргандек бўламан. Шунда ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг энг мураккаб жанрларидан бири, жуда қадимий, айни пайтда бой анъаналарга эга бўлган қасб эканини теранроқ англайман. Бу санъат гўё мангу мусиқага ўхшайди. Унинг оҳанглариниг жилва-ю, жозибасини англамоқ, чуқур ҳис қилмоқ ҳайкалтарошнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Нозик дидли, ижодига ҳамиша талабчан бўлган Илҳом Жабборовнинг яратган образлари ҳар томонлама мукаммал. Бир қараганда кўзга яққол ташланади. Буни дунё аҳлини ҳайратга солган Амир Темур ҳайкали тимсолида ҳам кўриш мумкин.

Мавриди келганда шуни айтиб ўтишни истардикки, бундай санъат намуналарини авайлаб-асрамоғимиз ва гард юқтирмай келгуси авлодларга етказиш инсоний ва Ватан олдидаги бурчимиз эканини унутмаслик керак. Боиси бу ҳайкаллар улкан истеъдоднинг оташин меҳридан туғилган.

Инсон хотираси ҳамиша муқаддас. Уйғоқ қалбларга ҳар доим нур сочади. Бу нурнинг шуълалари тарихимиз ва эртанги кунимизни ёритиб, ўзлигимизни англатиб туради.

Адиба УМИРОВА

РИВОЯТ

Болалик чоғларимда бувижоним ҳикоя қилиб берган бир ривоятни ҳануз эслайман. Айниқса, умрини беҳуда юмушлар билан, бесамар йўлларда ўтказаётган баъзи тенгдошларимни кўрганда, ўша ривоят ёдимга тушаверади.

УЧ ЖУМБОҚ СИРИ

Айтишларича, қадимда бир донишмандниng қирқта қўйи бор экан. Донишманд ҳаж сафари олдидан қўйларининг ярмини қишлоғидаги энг камбағал кишиларга ҳадя қилибди. Қолганини эса уч саволига кимки уч кун ичида жавоб топса, ўшанга беришни ният қилибди. Қишлоқдошларини йиғиб, уларга қарата, айтинглар-чи ер юзида нима кўп, осмонда-чи, ернинг остида-чи? — дея савол берибди.

Донишманд гапини тугатмасдан баланд бўйли, қорачадан келган бир йигит даврадан ажралиб чиқибди-да: Майлими бу саволингизга мен жавоб берсам, дебди. Донишманд эса индамай бош қимирлатибди. Йигит сўзамоллик билан “Ерда одамлар кўп, осмонда юлдузлар, ер остида бу дунёдан кўз юмганлар” дея гапини якунлабди. Донишманд йигитга “Агар жавобинг тўғри бўлиб, қўйларни олсанг, улардан қай мақсадда фойдаланардинг?” дея сўрабди. Йигит орзуларига эрк бериб: “Қўйларнинг ўнтасини сотаман, пулига хизматкор ёллаб маза қилиб яшайман” дебди. Донишманд унинг бу жавобини эшитиб, қишлоқдошлари орасида шундай калта ўйлайдиган, бирор ишнинг бошини тутмасдан туриб, яхши ҳаётни орзу қиладиган ёшлар борлигидан ранжибди.

Нуроний отахон бу йигитнинг жавоби тўғри эмаслигини айтиб, “Кимки, саволларимга жавоб топса, берилади-ган мукофотни қай мақсадда ишлатмоқчи эканини ҳам бир қоғозга ёзиб, дарвозам олдидаги саватга солиб кетсин” дея оломон ичидан чиқиб кетибди.

Орадан уч кун ўтгач, донишманд кўрқув ва ҳаяжон билан саватдаги қоғозларни бирма-бир кўздан кечира бошлабди. Бу жавоблар ичида ўзини Акбар дея таништирган кишининг фикри тўғри бўлиб, аммо у мукофотни қай мақсадда сарфлашини маълум қилмаган эди. Отахон эртаси куни қишлоқдошларини йиғди ва Акбар исмли йигит кимлигини сўради. Оломон ичидан ўрта бўйли, кўзларидан ўт чақнаган бир йигит чиқиб келди.

Донишманд йигитнинг саломига алик ола туриб, ярим табассум билан: “Қўйларни нима қилмоқчилигингизни ёзмабсизку? Энди жавобларни ҳам қишлоқдошларимизга айтинг-чи” дебди. У хотиржамлик билан сўз бошлабди: “Ер юзида орзу кўп, ҳар бир инсон ҳаёт кечирар экан, сон-саноқсиз орзулар қуршовида яшайди. Осмонда эса хайр-у саховат кўп, Аллоҳ бандаларига беҳисоб мурувват кўрсатади. Ер остида армонлар бисёр, инсон бу дунёдан кўз юмар экан, юрагида, албатта, қандайдир армони мангу қолади. Бериладиган мукофотни қай мақсадда ишлатишимни ёзмаганимнинг сабаби, мен темирчилик билан кун кечираман. Аллоҳ берган ризққа шукр қиламан. Шундай экан, менга бировнинг саховати керак эмас”.

Донишманд бу йигитнинг сўзларини эшитиб, беҳад шодланибди. Оломонга қарата: “Эшитинг халойиқ, мен бу йигитни ўз ўрнимга оқсоқол этиб тайинлайман. Энди хотиржамлик билан ҳаж сафарига борсам ҳам бўларкан” дебди.

Ҳа, эътиқоди мустаҳкам ва яшашдан мақсади аниқ бўлган, ўз куч ва имкониятига ишонган одам бировдан эҳсон кутмайди. Юқоридаги ривоят фақатгина ўзгаларга суяниб кун кўрадиган, мустақил бирор ишни қилишга ботинолмайдиган кишиларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Гуласал НОРБОЕВА

СПОРТ

ҲАМЮРТИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Канаданинг Торонто шаҳрида хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган “Rogers Cup” турнирининг жуфтликлар баҳсида иштирок этаётган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова россиялик Алла Кудрявцева билан бирга мусобақанинг чорак финалига йўлланма олди.

Мазкур жуфтлик иккинчи босқич беллашувида турнирнинг бешинчи рақамда саралганган Си Сувей (Хитой Тайпейи) ҳамда Пен Шуай (Хитой) жуфтлигини 4:6, 7:6, 10:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ЖАҲОНДА ТЕНГСИЗ БЎЛИШДИ



Халқаро енгил атлетика ассоциацияси 2008 йилдаги энг яхши спортчилар номини эълон қилди. Унга кўра, Европа чемпионатида лангар чўп билан сакраш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган россиялик Елена Исинбаева ва яқин масофага югурувчи спортчилар орасида ғолиб бўлган ямайкалик Усэйн Болт дунёда тенгсиз спортчилар деб топилди.

БИРИНЧИ РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Яқинда Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси ўз тарихида биринчи бор спортчиларнинг рейтингини эълон қилди. Мазкур рейтингдан илк марта чарм қўлқоп усталарини катта турнирларда саралаб олиш учун жорий йилнинг 1 сентябрида Италияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида фойдаланилади. Ушбу рўйхат эса спортчиларнинг иштирок этган мусобақаларига асосланиб тузилган. Масалан, боксчининг Олимпиада ўйинларидаги, жаҳон чемпионати, ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қандай иштирок этгани ҳамда қитъалараро биринчиликда қўлга киритган натижалари ва ҳоказо.

Энди рейтингдаги вазиятга эътибор қаратадиган бўлсак, уни 2900 очко жамғарган ҳолда украиналик таниқли боксчи Василий Ломаченко бошқариб бормоқда. Ундан кейинги ўринларни хитойлик Зу Шимина, италиялик Роберто Каммарелле ва кубалик Бантера Суареса ҳамда Корреа Байелар эгаллашган.

РОССИЯ ТЎРТИНЧИ ЎРИНДА



Берлин шаҳрида ўтказилган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатида Россия терма жамоаси АҚШ, Ямайка ва Кения давлатларидан ортда қолди ва умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади. Ушбу мусобақада россияликлар 13 та медални қўлга киритган бўлса, шулардан тўрттаси олтин, учтаси кумуш ва яна олтитаси бронза медалларидир.

АҚШ терма жамоаси жами 22 та медални қўлга киритди ва биринчи ўринни банд этди. Америкаликлар 10 та олтин медалга эга. Иккинчи ўринни эгаллаган ямайкаликлар 13 та медаль соҳиби бўлишди. Учинчи ўринни забт этган кенияликлар ҳисобида эса 11 та медаль бор. Улар фақат кумуш медаллар ҳисобигагина россияликлардан ўтиб кетишди.

ТАРТИББУЗАР ИШҚИБОЗЛАР

Москва шаҳрида “Москва” ва “Сатурн” ҳамда ЦСКА —“Химки” жамоалари ўртасида ўтказилган футбол учрашувлари пайтида қирққа яқин футбол ишқибозлари ҳибсга олинди. Бу ҳақда Москва ИИБ бўлими навбатчи офицери Анатолий Ластовецкий маълум қилган. Унинг айтишича, кўплаб футбол фанатлари трибуналарда спиртли ичимликлар ичиб, стадионда маст ҳолда юргани учун қамоққа олинган. Ҳозирда айбдорлар милиция бўлимига олиб келинган ва далолатномалар тузилган.

Ҳар икки учрашувда икки мингга яқин милиция ходимлари ва ҳарбий хизматчилар тинчликни сақлашда иштирок этган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Планируйте свои путешествия с Национальной авиакомпанией «Узбекистон хаво йуллари»!

UZBEKISTAN airways

НАЦИОНАЛЬНАЯ АВИАКОМПАНИЯ «УЗБЕКИСТОН ХАВО ЙУЛЛАРИ» поздравляет всех гостей и жителей Узбекистана

с ДНЕМ НЕЗАВИСИМОСТИ

и объявляет

об увеличении норм бесплатного провоза багажа

на всех направлениях:

первый класс – 45 кг
бизнес класс – 35 кг
экономический класс – 25 кг

Справки по расписанию, наличию мест и тарифам – (998 71) 140 02 00.

www.uzairways.com

«Узбекистон хаво йуллари» - безопасность, стабильность, комфорт!

РАССОМ ХАНДАСИ



Баҳром КАЛОНОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаххор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган қатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 10589 Буюртма — Г-726 123 5